

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

Бурхониддин Марғинович – буюк фақих

Тошкент – 2007

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний

Юсупова Нигора Жалолиддин қизи

**Бурҳониддин Марғиноний - Ўзбекистон фахри, -Т.; «Академия», 2007.
-60 б.**

Муаллифлар: А.Ш.Жўзжоний – ю.ф.д., доц.

Н.Ж.Юсупова– ю.ф.н.

Мовароуннахр маънавий меросга бой, жаҳон фани ва маданиятида ўчмас из қолдирган буюк алломалар юртидир. Ушбу рисолада ислом ҳуқуқининг йирик вакили Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳаёти, илмий мероси ва унинг шоҳ асари «Ҳидоя» ҳақида маълумотлар берилган.

Ушбу рисола Қадимий ва ҳамиша навқирон Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйига бағишланади.

© А.Ш.Жўзжоний, 2007.

© Н.Ж.Юсупова, 2007.

© Академия, 2007

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши.....	4
Ўрта Осиёда фикҳ илмининг тараққиёти.....	7
Бурҳониддин Марғинович - Мовароуннахр фикҳ илмининг йирик вакили.....	13
Бурҳониддин Марғинович ҳаёти ва илмий ижоди	13
Бурҳониддин Марғиновичнинг илмий мақоми ва дунёқараши.....	15
Бурҳониддин Марғиновичнинг асарлари.....	20
«Ал-Ҳидоя» унинг тузилиши ва мазмуни	21
«Ҳидоя»нинг таржима ва шарҳлари	29
Бурҳониддин Марғинович авлодлари	37
Бурҳониддин Марғинович илмий меросининг тадрижий ривожини.....	39
«Мажмаул-мақсуд» - Мухтасарнинг ўзбекча таржимаси ва шарҳи.....	45
Хулоса	55

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқининг пойдевори – миллий давлатчилик таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам бўлиб, уч минг йиллик тарихга эга. Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида раванқ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган.

Давлатчилигимиз тарихи кушонлар ва эфталитлар давридан бошлаб, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар давлатлари ва шунингдек ўзбек хонлиқларининг давлат бошқаруви тажрибаларини, халқимизнинг миллий, тарихий, ҳуқуқий, маънавий амалиёти, ҳамда ўз мустақил давлатига эга бўлиш каби асрий орзу-истакларини ўзида мужассамлаштирган. Ҳозир XXI аср бошида Ўзбекистон Республикаси умумжаҳон ва миллий давлатчилик тараққиёти қонуниятларини ўзида узвий равишда уйғунлаштирган.

Кўхна тарихга эга минтақамизнинг бой маданияти асрлар давомида илмуфан дарғалари бўлмиш аجدодларимиз ижоди билан такомиллашди, бойиди ва тараққиётнинг юксак поғоналарига кўтарилиб, нафақат бизга, балки бутун башарият учун бебаҳо мерос бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу ҳақда қуйидаги фикрни билдирди: “Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан қанча авлодларнинг маънавий руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда”¹.

Юртбошимиз сўзларида келтирилган бебаҳо мерос мустақиллик йилларида Ўзбекистон учун миллий-маънавий ренесанс (уйғониш) даврига ўтиш учун замин яратиб берди.

Истиқлол шарофати билан халқимиз миллий ўзлигини чуқур англаб, маънавий-ҳуқуқий қадриятларини қайта тиклашга муваффақ бўлиб, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда туб ўзгаришлар даврини бошлаб юборди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1996. 40-41 Б.

Бугун – мустақиллик даврида Ўрта Осиёлик фақиҳларимизнинг жаҳон ҳуқуқий маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини чуқур тадқиқ этиш давр талабидир. Чунки аجدодларимизнинг бой ҳуқуқий тажрибалари ва илмий мероси мустақил ўзбек давлати тараққиётига мустаҳкам маънавий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Юртбошимиз ҳақли таъкидлаганларидек, «Ер юзида мусулмончилик пайдо бўлганидан буён асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида юзлаб олиму уламолар ислом ҳуқуқшунослиги билан машғул бўлиб келганлар»². Булар ўз буюк асарлари ва ҳуқуқий назариялари билан, ислом ҳуқуқи соҳаларини кенгайтириб берган ва фикҳ илмининг ҳар томонлама ривож топишига улкан ҳисса қўшган маворауннаҳрлик фақиҳлар эди.

Ўзбекистон фақиҳлари мужтаҳидлар давридан сўнг нафақат таҳриж ва таржийҳ даврларида, балки тақлид даврида ҳам ислом ҳуқуқшунослигини такомиллаштириш йўлида фахрланишга арзигулик илмий муваффақиятларга эришиб, калом ва ҳуқуқ соҳаларида янги фан ва мактабларга асос солиш билан бирга, янги ҳуқуқий назариялар яратганлар.

Усул ва фуруъ бўйича Ўзбекистон фақиҳларининг бебаҳо китоблари, ислом ҳуқуқининг тенгсиз хазинаси ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирини илмий ўрганиш ёш олимлар олдида турган тарихий бўрчдир.

Биз илмий меросимиз, айниқса, Фарғона фақиҳлари ижодини ўрганиш силсиласида бажарилган тадқиқотларимизга асосланган ушбу рисола ИХ асрдан то XII асргача фикҳ илми бўйича эришилган ютуқларга хулоса ясаб, «ал-Ҳидоя» каби буюк асар яратган Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ва илмий услубини ўрганишга бағишладик.

Юридик фанлар доктори А.Ш.Жўзжоний

ЎРТА ОСИЁДА ФИҚҲ ИЛМИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Ўрта Осиёда фикҳ фани ривожига ироқлик фақиҳлар, айниқса, Абу Бакр ал-Жассос (в. 981 й), шунингдек, Хуросоннинг муҳим илмий марказларидан бўлмиш Жўзжон³, Балх ва Тахор олимлари - қози Шаддод ибн Ҳукайм Балхий, Абуҳомид Балхий, Абулмуаййид Балхий, Абу Сулаймон

² Хал= сызи, 2000 йил 15 октябрь.

³ Жызжон ёки Жызжонон - Щирот билан Балх орасида жойлашган минта=анинг номи. +адимий пойтахти «Жызжон» ёки «Жызжонон» шашри бугунги Сарпул вилояти маркази - Сарпул шашри я=инида жойлашган. Щозир ушбу минта=а Форёб, Жызжон, Сарпу вилоятларига былинган. Жызжон илму фан ва савдо марказларидан былиб, буюк олимлари билан шушрат =озонган. Улардан Абу Сулаймон Жызжоний, Абу Бакр Жызжоний, Мушаммад ибн Усмон ибн Сабийщ Жызжоний (ваф. 744 щ.й. +ощира), Абу Али ибн Сино асарларини тыплаб, таржимаи щолини ёзган шогирди, машшур олим Абу Убайд Жызжоний, Щиндистонга

Жўзжонийнинг шогирди, Абу Мансур Мотуридийнинг устози Абу Бакр Аҳмад ал-Жўзжоний, Муҳаммад ибн Салима Абу Абдулло Балхий ва бошқалар тўғридан тўғри ёки билвосита таъсир ўтказиб келганлар.

Исломшунос олим Аширбек Мўминов "Мовароуннаҳр мусулмонлари: Ҳанафийлар" илмий мақоласида таъкидлашича, ўша даврда (IX-X асрлар) "...Мовароуннаҳрда кечаётган жараён ҳали маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, бу минтақа ислом марказларида Хуросоннинг бир қисми ҳисобланарди. Фақиҳ гуруҳлари, сомонийлар (875-999) амалдорлари зўравонликларидан аҳоли турли табақаларининг ягона ҳимоячиси сифатида чиққанликлари натижасида уларнинг ижтимоий обрўси ва таъсир доираси кенгая борди"⁴. Муаллифнинг ёзишича, ўша даврда фикҳ илми турли соҳадаги мавжуд асарларнинг камлиги нуқтаи назаридан шаклланиш даврини бошдан кечираётган эди.

Давлат ҳокимияти Қорахонийлар (999-1212й)га ўтгандан кейин Мовароуннаҳрда фикҳ илмининг ривожини ва такомил учун таъсирчан омиллар юзага кела бошлади. Ушбу омиллардан бири, А.Мўминов таъкидлаганидек, Қорахонийлар давлати қарор топиши натижасида "Мовароуннаҳрнинг Хуросон билан алоқалари заифлашиб, оёққа турган маҳаллий мактабларнинг мустақил ривожланишига асос яратилди. Марказий шаҳарларда автоном бошқарувнинг кучайиши уламо гуруҳлари таъсир доирасининг кенгайишига олиб келди. Бу билан фикҳ нормаларини ҳаётга татбиқ этишга реал шароит яратилди. Бухоро ва Самарқандни ҳақиқий илм марказларига айлантирдилар. Бу шаҳарларда, Насаф, Марв, Фарғона фақиҳлари ҳам фаолият кўрсатдилар"⁵.

Ўрта Осиёда фикҳнинг ривожини учун иккинчи омил -Қорахонийлар ҳукмдорларининг фикҳ-ислом ҳуқуқшунослиги ва қонунларига қизиқиши ва ҳуқуқий нормаларни амалий ҳаётда татбиқ этилиши эди.

бориб буюк =ози даражасига эришган ва "Таба=оти Носирий" китоб муаллифи Миншожуддин ибн Сирожуддин Жўзжоний (ваф. 660 ш.й.) ва бош=алар машшур.

⁴ Аширбек Мўминов. «Мовароуннаҳр мусулмонлари: шанафийлар» || Шар=шунослик, 1999. 9-сон. 42. Б.

⁵ Аширбек Мўминов, «Мовароуннаҳр мусулмонлари: шанафийлар» || Шар=шунослик, 1999. 9-сон. 42. Б.

Манбаларда таъкидланишича, Қорахонийлар давлат раҳбарлари, айниқса, Иброҳим Маҳмуд Тамғочхон диёнатли киши бўлиб, фақиҳлар фатвосини олмагунча ҳеч бир жиноятчини жазоламас, мол-мулкани мусодара қилмас эди. У Бағдод халифаси билан яхши ва дўстона муносабатда бўлиб, унга Имомуд-давла, Тожул-милла, Каҳфул-муслимин, Маликул-машриқи вассин Тамғоч Буғрохон (давлат имоми, миллат тожи, мусулмонлар паноҳи, шарқ ва Хитой ҳақони Тамғоч Буғрохон) каби унвонлар берилган эди.

Муҳаммад Авфий "Либобул-албоб"да келтиришича, Иброҳим Маҳмуд Тамғочхон диний олимларга иззат-ҳурмат кўрсатиб, ислом қонун-қоидаларига жиддий риоят қилар экан. Манбада айтилишича, мазкур ҳукмдор халқ тинчлигини сақлаш, молумулклари дахлсизлигини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратиб, жиноятчиларни шафқатсиз жазолар экан. Бир неча безори Самарқанд дарвозаси деворига "Биз пиёз казимиз, бошимизни ҳар қанча кессангиз ҳам яна ўсиб чиқаверамиз", деб ёзиб кетган экан. Бундан хабар топган Хон ўша жойга "Мен ҳам боғбон каби сиз қаердан бош кўтарсангиз, ўша ердан таг-тугингиз билан кўпориб ташлайман" деб ёзиб қўйдирган экан.

Учинчи омил эса давлат ва аҳоли ҳимоясидаги маҳаллий мактаблар аста-секин катта илмий мадрасалар даражасига кўтарилиши бўлди. Сони кун сайин ошиб бораётган мадрасаларнинг харажатлари вақф мулкларидан тушган даромад билан таъминланарди. Давлат арбоблари, хайру эҳсон эгалари дўкон ва ҳаммомлар қуриб, уларни, баъзан ўз ерларини мадрасаларга вақф қиларди. Мударрислар, мутаваллилар ва толибул-илмлар маошлари ушбу мулклардан келадиган даромад ҳисобидан тўланарди. Масалан, Иброҳим Тамғочхон томонидан ёзилган вақфномада Самарқанд мадрасаси мутаваллиси (идора қилувчиси)нинг бир йиллик маоши 2000 дирҳам, фикҳ мударриси маоши 3600 дирҳам, адабиёт фанлари мударриси маоши 1200 дирҳам, Қуръони Карим мударриси маоши 1200 дирҳам ва толиблар маоши 360 дирҳам бўлган. Ўша даврнинг нарх-навосига кўра, мударриснинг бир

ойлик маоши билан 150-200 дона нон, 2-3 кўй сотиб олиш мумкин бўлган. (Дирхам: зарб урилган ва муомалада бўлган кумуш танга)⁶.

Турк тадқиқотчилари хулосаларига кўра, мазкур даврда 300 га яқин фақиҳ мавжуд бўлиб, 150 дан кўпроқ фикҳий (ҳуқуқий) асарлар, 20 та фатово (фатволар мажмуалари) ёзилиб, уларнинг асосий қисми 98 % ханафий мазҳабига тегишли бўлган.

Афғонистонлик машҳур муаррих Мир ғуломмуҳаммад ғуборнинг "Афғонистон тарих ўзанида" китобида ёзилишича, ўша даврда фақиҳлар нафақат давлат ишларида қатнашар, балки баъзан элчилик вазифасини ҳам бажаришар ва муҳим ишларда улардан маслаҳат олишар шунингдек, суд ишлари ҳам уларга топширилган бўлиб, шаҳзодалар тарбияси билан ҳам шуғулланишар эди⁷.

Мир ғуломмуҳаммад ғуборнинг фикрига кўшилиб айтиш мумкинки, Қорахонийлар давридан темурийлар давригача суд вазифалари машҳур фақиҳларга топширилган, шунингдек шайхул-исломлик вазифасини ҳам бажариб келганлар. Улар баъзан сиёсий ихтилофларни ҳал қилиш бўйича ҳам фаолият олиб бориб Мирзо Улуғбек ва Мирзо Бобур ҳомийлари сифатида садоқат билан хизмат қилганлар.

Мазкур омиллар, айниқса, давлат арбоблари томонидан илм аҳлига кўрсатиладиган юксак эҳтиром, шунингдек, тарғибот ва ташвиқот, Ўрта Осиёда фақиҳларнинг кўпайиши ва Ҳанафий мазҳабининг ривожланиб ёйилишига сабаб бўлган, А.Мўминов таъкидлаганидек, мўғуллар давридан кейин Амир Темури (1370-1405й.) даврида исломга давлат дини мақоми қайтарилиши янги уламолар табақалари шаклланишига олиб келди.

Абул-фазл Қазвиний «Китоб ан-нақз»да ёзишича, XII асрларда Хуросон шаҳарларидан тортиб, Ўзганд, Самарқанд ҳамда Мовароуннаҳр ва Туркистон ҳудудларида барча аҳоли Ҳанафий мазҳабида бўлган. Бу даврда

⁶ Иброшим Тамочхон ва унинг вафномаси шаънадаги баъзи маълумотлар. Н.Абдуллаев, Б.Щошимов, А.Тош=уловларнинг «Социби Шидоя» номли тадқиқот ишидан олинди.

⁷ М.Уломмушаммад ғубор, Афғонистон тарих ўзанида. Кобул, 1-жилд, 1967. 115. Б.

дин олимлари катта эътибор ва нуфузга эга бўлиб, уларнинг бир ишораси билан, мухлислар, ўрни келганда ўз жону молларини ҳам дариғ тутмаганлар.

XII-XIII асрларда Ўрта Осиёда фақиҳлар сони кўплигини аллома Абулфазл Қазвиний Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насавий «Жалолуддин Мункабирний (Мангуберди) сийрати» асаридаги маълумотдан билса ҳам бўлади, дея таъкидлайди. Унга кўра, Бухоролик "Оли Моза" (Моза оиласи)нинг буюк имоми ва раисларидан бири Садрӣ жаҳон Бурҳонуддин Муҳаммад ва унинг авлодлари ҳимояси остида 6000 фақиҳ ҳаёт кечириб, уларнинг барчаси Ҳанафий мазҳабига мансуб бўлганлар.

Ушбу оила Мўғил хужумидан кейин ҳам Ҳанафий фақиҳларини ўз ҳимоялари остига олганлар. Масалан 674 ҳижрий йили 4000 фақиҳ улар ёрдамидан фойданганлар. Манбаларда кўрсатилишича, оила аъзоларидан бири Садрус-судур Бурҳонуддин Абдулазиз ибн Умар Самарқанд шаҳрида 30 минг қизил олтин (динор) тўлаб, бир Ҳанафий фақиҳнинг ҳаётини сақлаб қолган.

Авфий ушбу ҳодисани қуйидагича ривоят қилган: «Самарқанд шаҳрига бошқа бир диёрдан билим олиш учун келган бир фақиҳ катта жиноятга қўл урган эди. Самарқанд подшоси уни ушлаб, жазоламоқчи бўлса ҳам, мазкур одам олим, ғариб (мусофир) бўлгани учун ўттиз дарра урилиб жазолансин, дейди.

Садрӣ жаҳон подшоҳга қуйидаги таклиф билан мурожаат қилади: Агар подшоҳ ҳар бир даррани бир минг динор қизил олтинга сотсалар, бир томондан хазинага ёрдам бўлади, айна ҳолда мусофир олимнинг иззат-обрўи сақланиб қолади.

Сўнгра у 30 минг динор тўлаб, мазкур олимнинг обрўини сақлаб қолади. Бу воқеа Мовароуннаҳрда машҳурдир»⁸.

Маълумотлардан кўришиб турибдики, Ҳанафий мазҳаби Ўрта Осиё ва Мовароуннаҳр ҳудудида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг жуда кўп йирик ва салоҳиятли вакиллари ва имомлари, ҳам эътиқод соҳасида, ҳам ҳуқуқ

соҳасида, ушбу муҳитда камолот даражасига етишганлар. Улар Ҳанафий мазҳабининг ҳуқуқий ақидавий асосларини ташкил этувчи Абу Ҳанифа асарлари ва унинг иқтидорли шогирдлари Шайбоний, Абу Юсуф қаламига мансуб «Зоҳирур-ривоя» китоблари, «Китобул-хирож» каби фикҳий асарларга асосланган ҳолда, ниҳоят муҳим ҳуқуқий асарлар яратиб, мазҳабнинг ривожини ва гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиб келганлар. Масалан, Ўрта Осиёнинг буюк фақиҳларидан саккизтаси «ал-Мабсут» номи билан фикҳ илми соҳасида илмий асарлар ёзган. Улардан Фахрул-ислом Ал-Баздавий Мабсути 11 жилдлик, шайхул-ислом Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Бухорий ал-Ҳанафий Мабсути ва Шамсул-аймма ас-Сарахсий Мабсути 15 жилдлик бўлган.

БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ - МОВАРОУННАҲР ФИҚҲ ИЛМИНИНГ ЙИРИК ВАКИЛИ

Марғиноний ҳаёти ва илмий ижоди

Ўрта Осиёлик фақиҳларнинг ҳар бири ўз салоҳияти илмий услуби ва яшаган даври шароитига қараб, ислом ҳуқуқи, айниқса, ҳанафий мазҳаби ривожини йўлида ўзларидан барҳаёт асарлар қолдирганлар. Улар орасида имом Бурҳониддин Марғинонийнинг қимматли ҳуқуқий асари «Ал-Ҳидоя» ўз ихчамлиги, мукамаллиги, ҳанафий мазҳабини бошқа суннийлик мазҳаблари билан қиёсий услубда ўрганиб ҳар томонлама ёритганлиги учун ўзига хос катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

«Ал-Ҳидоя» китоби IX-асрдан буён ҳанафийлик бўйича энг мўътабар қўлланма сифатида барча мусулмон мамлакатлари мадрасалари ва исломий олий ўқув юртларида ўқитилмоқда. Унинг матни ва қисқартмалари устидан машҳур фақиҳлар томонидан 60 дан ортиқ шарҳлар ва хошиялар ёзилган.

⁸ Авфий. Жавоми ал-шикоёт. З.Сафо и=тибоси асосида. Техрон.: Эронда адабиёт тарихи, 2. Ж. 159. Б.

Шунингдек, «Ал-Ҳидоя» форс, инглиз, рус тилларига таржима қилиниб, ғарб олимлари учун ханафийликни ўрганишда асосий манба эканлиги бизни қувонтиради.

XII аср бошларида Фарғонанинг марғилон шаҳрига тегишли Риштон қишлоғида 511 ҳижрий йили ражаб ойининг саккизинчи куни ўз даврининг буюк фақиҳларидан бўлмиш Абу Бакр ибн Абдил Жамил ибн ал-Халил оиласида соғлом ва истеъдодли гўдак туғилиб, ҳаёт майдонига қадам қўйди.

Унга Али деб ном қўйдилар.

Али ибн Абу бакр болалигиданоқ ўзига хос хислатлари билан бошқалардан ажралиб турарди. Туғма талант, табиий лаёқат, сезгир рух, тушуниш ва англаш учун ҳаракат, унинг ҳар бир юриш туришидан кўзга ташланарди.

Отаси Абубакр, фарзандининг биринчи мураббийи вазифасини зиммасига олиб, уни камолга етказиш учун барча шарт-шароитни яратиб берди.

Али ибн Абу бакр ёшлигидан илм дунёсига берилиб, машҳур олимлар, атоқли фақиҳ ва имомлардан сабоқ олди. Нафақат шариат илмлари, балки ўша даврнинг табиий-фалсафий фанларини ўзлаштириб, илмий ижод йўлида ўқиб ўрганишдан чарчамади.

Барча фанларни ўрганиш, барча соҳаларда таълиф этиш ва ёзиш воситаси бўлган араб тили ва адабиётини олий даражада ўрганди. Унинг ажойиб лаёқат ва қобилиятини ҳар бир асарлари, айниқса, «Ал-Ҳидоя»да кўриш мумкин.

Илм ўрганиш йўлида ёш олимнинг тинимсиз саъй-ҳаракати ва шахсияти қирраларининг очилиши барчанинг диққат марказида бўлиб, замон ўтиши билан Шайхул-ислом, Имоми ҳумом ва Бурҳониддин лақаблари унинг тўлиқ исми шарифи Али ибн Абибакр ибн Абдижалил ибн ал-Халил ал-Фарғоний ал-Марғинонийга қўшилиб айтиладиган бўлди.

Имоми Хумом деганда олий иродали, юксак ҳимматли дин раҳбари, Бурҳониддин эса диний ишлар ва шариат илмлари бўйича ҳар бир сўзи ҳужжат, яъни қатъий далил даражасида турган олим назарда тутилади,.

Абдулҳай Лакнавий унинг насаби Абубакр Сиддикқа бориб тақалади, деб таъкидлаган.

Бурҳониддин Марғинонийнинг илмий мақоми ва дунёқараш

Бурҳониддин Марғинонийнинг юксак илмий даражага эга бўлиб, буюк фақиҳ ва ҳуқуқшунос, ўз даврининг йирик алломаси сифатида танилишига нима сабаб бўлган?

Биз турли тиллардаги турли манбаларни кўздан кечиргандан кейин, мазкур омиллар қуйидагилардан иборат деган хулосага келдик:

Биринчидан, Бурҳониддин Марғиноний олий истеъдод ва юксак тафаккур эгаси бўлиб, илму фан шайдоси эди. Тинимсиз изланиш, билим олиш, узилишга йўл қўймасдан давомдор ўрганиш, унинг асосий фазилати эди. Илмга қизиқиш уни узоқ сафарларга йўллаб, асосий фанларни ўзлаштириш учун имкон яратди. Авваламбор, фикҳ илмини ўз отаси, сўнгра Имом Баҳоуддин Али ибн Муҳаммад ибн исмоил ал-Асбижобийдан (вафоти 535 ҳ.й.) ўрганди. (Асбижоб ҳозирги Сайрам). Унинг машҳур устозлари Абдулазиз Марғиноний, «Қозихон фатовоси»нинг муаллифи Фаҳруддин Абулмафохир ҳасан ибн мансур Ўзгандий, «Ал-ақоид ун-насафия» китоби ва фикҳ илми бўйича юзга яқин асарлар муаллифи Нажмуддин Абуҳафс Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий, Садруш-шаҳид Ҳисомуддин Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза ва Ас-Сарахсийнинг шогирди Абу Амр Усмон ибн али Ал-Байкандий эди.

Бурҳониддин Марғиноний Абу Исо ат-Термизийнинг «Ал-Жомеъ» асаридаги ҳадисларни ал-Қурашида зикр этилган иснодлар билан (иснод – ҳадисларнинг бировга нисбат берилиши), Абу Муҳаммад Саид ибн Асаддан

ва Ҳасан ибн Али ал-Марғинонийдан эшитган. Манбаларда ёзилишича, у ўз устозларидан юқори даражага кўтарилган.

Бурҳониддин Марғинонийнинг устозлари ўз даврининг етук ва таниқли олимлари бўлишган.

Унинг устозлари ҳам бой мерос қолдирганлар. Жумладан, Умар Насафий муфассир, муҳаддис, усулчи, хофиз, фақиҳ ҳамда калом илмининг билимдони бўлган. У Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний қаламига мансуб «Ал-Жомиъ ас-сағийр»ни назмга солиб, шарҳ қилган, уни ал-Манзума деб номлаган. Ушбу олимнинг «Китоб ал-воқиот» ва «Китоб ал-мавоқийт» номли асарлари ҳам маълум.

Яна бир устози Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Абу Муҳаммад Хисомиддин бўлиб, унинг фикхий фатволар асосида тузилган “Китоб ал-мавоқийт” асари бизгача етиб келган. Китобда ҳар бир мавзу турли асарлардан йиғилган фатво ва қарашлар ёритилган.

Иккинчидан, у яшаган давр шарқ ренесанси (Уйғониш даври)нинг биринчи босқичи IX-XII асрлар, яъни Марказий Осиёда илму фан гуркираб ривожланган жамият тараққиёти учун фикҳ илми (ислом ҳуқуқи)га зарурат туғилган бир даврга тўғри келди. Шу сабабли фикҳ илми бўйича у яратган асарлар, айниқса «Ҳидоя» китоби ушбу даврда тез-тез юз бериб турадиган янги муаммоларни ечишга қаратилган эди.

Учунчидан, у яшаган Қорахонийлар даврида ушбу фазилат севар сулоланинг тўғридан тўғри ҳимояси ва ташвиқоти соясида (300)га яқин йирик фақиҳлар мавжуд бўлиб, 150дан кўпроқ ҳуқуқий асарлар, 20та фатоволар ёзилган эди, улардан 98 фоизи ҳанафий мазҳабига тегишли бўлган.

Марғиноний ва унинг авлодлари Қорахоний ҳукмдорлари билан дўстона муносабатда бўлиб, шайхул-исломлик олий вазифасини бирин-кетин бажариб, моддий ва маънавий имтиёзлардан баҳраманд бўлиб яшадилар. Давр Марғинонийга илмий ютуқларга эришиш учун қулай шароит яратиб берди.

Тўртинчидан, ал-Марғинонийнинг Абуҳанифа Нуъмон ибн Собит мазҳабига мансублиги ҳам унинг камолот даражасига кўтарилиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилди. Негаки, Абу Ҳанифа шариатнинг уч асосий манбаи (Қуръон, сунна, ижмо)дан кейин, тўртинчи асосий манба бўлмиш рационал (ақлий) манба, яъни қиёсга бошқа мазҳабларга нисбатан кўпроқ эътибор қаратгани билан ажралиб туради. Шунингдек, халқ ичида ёйилиб, улар ҳаётига сингиб кетган урф-одатлар ҳанафий мазҳабида ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишда қўшимча манба сифатида кенг кўламда қўлланилади.

Мазкур омиллар, айниқса, ҳанафий мазҳабининг раъй (шахсий фикр) ва қиёсга таянгани Бурҳониддин Марғинонийга ўз малакасини ошириб, ислом ҳуқуқи фалсафасининг туб моҳиятини англаш ва бу соҳада эркинлик билан фикр юритиш учун муносиб шароит яратиб берди.

Бурҳониддин Марғиноний ушбу мазҳабнинг кенг доирасида сон-саноксиз ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш йўлларини топишга муваффақ бўлди. У тўғридан-тўғри мустақил суръатда ижтиҳод қилиш ваколатига эга бўлмаса ҳам, ўз илмий-ҳуқуқий асарларини яратишда қиёсдан (қиёси жалийдан), айниқса қиёснинг иккинчи тури бўлмиш «қиёси хафий» ёки «истиҳсон»дан, кенг кўламда фойдаланди.

Истиҳсон - қиёсни тарк этган ҳолда инсон манфаатига мос келадиган томонни устун қўйиб, унга амал қилиш. Истиҳсон ҳар доим қиёс-қиёснинг биринчи тури (қиёси жали)га қарши ва ундан кучли туради ҳамда Ҳанафий мазҳабининг энг муҳим рационал манбаи ҳисобланади. Абу Ҳанифа белгилаб берган шартлар асосида, зарурат туғилган чоғда ундан кенг кўламда фойдаланиш мумкин. Абу Ҳанифанинг ўзи энг муҳим бўлган юзлаб ҳуқуқий муаммони, ушбу қоида асосида ечиб берган.

«Ҳидоя»ни диққат билан ўқиган киши Бурҳониддин Марғиноний унга қай даражада қизиққани ва ундан жуда кенг фойдаланганига гувоҳи бўлади. Шунинг учун айрим олимлар Марғинонийни «ал-Мужтаҳид фил-мазҳаб», яъни мазҳаб бўйича Мужтаҳид деб билганлар.

Марғиновийнинг дунёқарашлари

Бурҳониддин Марғиновий XII асрнинг буюк фикҳ олими сифатида Аҳли Сунна вал жамоа йўналишида ҳанафий мазҳабининг йирик вакили ҳисобланади. У ёзган асарларнинг барчаси, айниқса, «Ал-Ҳидоя», муаллифнинг ўзига хос илмий услубидан далолат беради.

Олим асарларини ўрганиб, унинг дунёқараш ва илмий тушунишлари ҳақида қуйидагича фикр билдириш мумкин.

Марғиновий фикрича, билим – уч манбадан ҳосил бўлади. Биринчиси, насс бўлиб, у шаръий ҳукм манбаи бўлмиш Қуръон оятлари ва Пайғамбар (с.а.в.) ҳадиси шарифларидир. Иккинчиси, ақл ва тафаккур; учинчиси, ҳис-туйғу (сезги) органларида ҳосил бўладиган маълумотлар бадий, яъни ҳеч қандай истидлолсиз қабул қилинадиган ҳисобланади.

Шариат ҳукмлари бўйича ишончли ва қатъий маърифатнинг асоси Қуръон ва ҳадисдан кейин Ижмоъ ҳисобланади. Ушбу уч манба асосида исботланган ҳукмлар қатъий ва шубҳасиздир.

Аммо, қиёс, хабари воҳид орқали ҳосил бўлган нарсалар қатъий моҳиятга эга бўлмайди ва «занний» ҳисобланади.

Марғиновий фикрича, илоҳий ҳукмлар ҳикматли далил ва иллатга асосланган. Унинг амр ва наҳийлари шариатнинг бешта асосий мақсадига қаратилган. Улар қуйидагилардан иборат: динни сақлаш, ақлни сақлаш, ҳаётни сақлаш, наслни сақлаш, молу мулкни сақлаш.

Мазкур бешта қадрият яшашнинг асосларини ташкил этади. У шаръий ҳукмларни таҳлил қилишда ушбу маслаҳатларни назарда тутган ҳолда сўз юритади.

Аллома фикҳий масалаларни ёритишда қиёсий услубдан фойдаланади, турли мазҳаблардаги назарияларни бир-бири билан солиштиради. Аввал,

Қуръон, сўнгра Суннага асосланади, ундан кейин ижмоъ ва қиёсга ўтади. Қиёс муаммони ҳал этишда ёрдам бермаса, истехсон (қиёси ҳафий)га ўтади. Ечими топилмаган аҳволда урфу одатга таяниб хулоса чиқаради. Марғинович истехсон ва ҳуқуқий истидлолдан кенг кўламда фойдаланади ва ўз хулосаларини мантиқий истидлол билан мустаҳкамлайди.

Унинг фикрича, ақл ва идрок маърифатнинг асоси бўлса ҳам, фақат ақлнинг ўзи билан доимо ишонарли билим ҳосил бўлмайди. Ақл чегараланган имкониятга эга бўлганлиги сабабли уни шариат мезони билан ўлчаш зарур бўлади. Ақл ҳар доим ҳам ҳақиқатга олиб бориши мумкин эмас.

Шунинг учун у ақлий манба сифатида қиёсга катта эътибор қаратади. Айниқса, истехсондан кўп ўринларда фойдаланади. Истехсон ва урфга таяниш ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда кенг имконият очиб беради. У ибодатлардан ташқари инсонларнинг амалий ҳаётига тегишли бўлган ҳуқуқий масалаларни, бошқа далиллар билан бирга, ушбу мезон билан ҳам баҳолайди. Мантиқий таҳлилдан ўтказди. У истиқро (дедукция) ва илмий таҳлил (анализ)дан кенг фойдаланади. Ҳар бир масалани турли мазҳаблар орасида қиёсий услубда ўрганиб, хулоса чиқаради ва энг маъқул деб топган фикрини таҳлил охирида зикр этиб, уни устун кўяди. Шу сабабли «Ал-Ҳидоя» Ислом ҳуқуқининг фалсафий таҳлили деб аталса ўринли бўлади.

Бурҳониддин Марғиновичнинг асарлари

Шайхул-ислом Марғинович - кўп асарлар муаллифи, уларнинг ҳар бири катта аҳамиятга эга. Котиб Чалабий, Абулҳасанот Муҳаммад Абдулхай Лакнавий, «Ҳидоя»нинг айрим шарҳловчилари, маълумотларига кўра, куйидаги асарлар Бурҳониддин Марғинович қаламига мансуб бўлиб, текширишлар орқали уларнинг қўлэмалари борлиги аниқланган:

1- «Нашрул-Мазҳаб» («Мазҳаб тарқалиши бўйича китоб»);

- 2- «Китобу таносукил –хос, ёки фи-маносикил-ҳаж» («Ҳаж ибодатига оид китоб»);
- 3- «Китоб фил-Фароиз» («Мерос масалалари ҳақида китоб»);
- 4- «Аттажнис вал-Мазийд» (иккита ҳуқуқий муаммолар ечимига бағишлаб ёзилган китоб);
- 5- «Мухтарот ан-Навозил»;
- 6- «Мазидун фил-фуруъил-Ҳанафия» («Ҳанафий мазҳаби бўйича фикҳ тармоқларига қўшимча»);
- 7- «Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг ал-Жомиъ ал-Кабийр» номли асарининг шарҳи;
- 8- «Бидоятил-Мубтадий» («Фикҳ илмига кириш учун бошланғич китоб»);
- 9- «Кифаятул-мунтаҳий» (тугатувчини қониқтирувчи китоб) – «Бидоятил-Мубтадий»га ёзилган катта шарҳ;
- 10- «Ал-Ҳидоя фи фуруъил-фикҳ» («Ҳуқуқ тармоқлари бўйича йўлланма») –Марғинонийнинг шоҳ асари бўлиб, Бидоятил-Мубтадийга ёзилган тўрт жилддан иборат шарҳ.

“АЛ-ҲИДОЯ” — унинг тузилиши ва мазмуни

Бурҳониддин Марғинонийнинг замондошлари машҳур фақиҳлар ҳам «Ҳидоя» асарини Марғинонийнинг шоҳ асари деб қарашган. Бу ҳақда аллома ал-Хаддод: «Ҳидоя ҳам Қуръон сингари ўзидан илгариги шариат бўйича ёзилган китобларни эътибордан қолдирди» деган.

Бурҳониддин Марғиноний «Бидоят ал-Мубтадий»ни Абулҳасан ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Қудурийнинг «Ал-Мухтасар» (илм аҳли орасида «Ал-Қударий» деб шуҳрат қозонган) китоби ва Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг «ал-Жомиъ ас-сағийр» асарига асосланиб, бир қисқартирилган фикҳ китоби сифатида ёзиб, ундаги масалаларни тартибга солишда табаррук бўлсин деб, аш-Шайбоний услубидан фойдаланган.

Аллома асар муқаддимасида бундай деб ёзган эди: «Ёшлик чоғларимда фикҳ илмининг барча турларини ўз ичига қамраб олган ҳажми кичик, режаси кенг бир китоб бўлса, деб ўйлаб юрардим. Иттифоқан йўллари босиб ўтиш (сафар) жараёнида, Ал-Қудурий каламига мансуб «Ал-мухтасар»ни энг гўзал, мўъжаз (қисқа) ажойиб китоб, деб топдим. Яна, замоннинг барча буюк олимлари, катта-кичикни «Ал-Жомиъус-сағийр» китобини ўрганишга чорлаганликларининг гувоҳи бўлдим. Ўшанда ҳар иккала асарни бирлаштиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйиб, зарурат сезилмаган чоғда улар чегарасидан чиқмасликка қарор қилдим ва уни «Бидоятул-мубтадий» («Бошловчининг бошланғич китоби») деб атадим. Агар бу асарни шарҳлашга эришсам, уни «Кифоятул-мунтаҳий» деб атагумдур»⁹.

⁹ Абдулқай Лакнавий. «Ал-Фавоид ал-башия фи тарожим ал-ҳанафия». –Қозон.: Матбаатул хизона, 1903. - 57. Б.

Муаллиф асар муқаддимасида уни шарҳлаш ниятида эканлигини амалга ошириш мақсадида, унинг ниҳоят қисқалигини назарда тутган ҳолда, унинг устидан кўп жилдлик катта шарҳ ёзиб, уни «Кифоятул-мунтаҳий» («Яқунловчиларни қониқтирувчи китоб») деб атади. Лекин муаллиф бу билан ўз олдига қўйган мақсадга эриша олмасди, негаки, саккиз жилдлик катта ҳажмли шарҳни ўқиб, унинг ичидан керакли масалаларни топиб олиш, шундай катта китобни кўтариб олиб юриш, илм толиблари учун қийинчиликлар туғдирарди. Натижада муаллиф ўз нияти ва дўстлари маслаҳатига биноан, «Бидоятул-мубтадий»ни қайтадан ўртача ҳажмда шарҳлашга киришади. Бу асарни ёзиш, муаллиф учун осон кечмади. Ривоятларга кўра, бу иш унинг 13 йиллик ҳаётини қамраб олди. Муаллиф асарни яратиш учун ўзининг бутун куч ва истеъдодини намоён қилди. Абдулҳай Лакнавий манбаларга таяниб ёзишича, у асарни ёзиш давомида рўза тутарди. Унга олиб келинган таомни шогирдлари ёки бошқа бирон кишига берарди. Шу тарзда, у бошқаларга билдирмай рўза тутаверади. Чунки рўза инсонга руҳий куч бағишлайди, фикрни жамлашга ёрдам беради.

Нега тўрт жилддан иборат иккинчи шарҳни ёзиш бирмунча оғир кечди? Нега уни битказиш учун 13 йиллик катта меҳнат сарфланди? Фикримизча, унинг сабаблари қўйидагилардан иборат эди:

Биринчидан, Имом Муҳаммад аш-Шайбоний ва ал-Қудурий асарларидан олиниб, «Бидоятул-мубтадий»га киритилган асосий ҳуқуқий масалаларга оид минглаб фаръий (жузъий) масалалар мавжуд эди. Улар орасида халқнинг амалий ҳаётига боғлиқ, ўз ечимини топмаган кўплаб муаммолар бор эди. Шу нуқтаи назардан ўша даврнинг ўзгарувчан шароитини синчиклаб ўрганиш, биринчи даражали муаммоларни иккинчи даражали муаммолардан ажратиб олиб, уларни ечиш йўлларини белгилаб бериш муаллифдан катта диққат-эътибор, ҳар томонлама текшириш ва чуқур кузатишларни талаб қиларди.

Иккинчидан, Бурҳониддин Марғиноний фикҳ илми босиб ўтган олти даврнинг (Пайғамбар, саҳобалар, тобиъинлар, мужтаҳидлар, мухаррижлар ва

муқаллид (таклид этувчи)лар даврлари) бешинчи босқичи бўлмиш мухаррижлар (улардан илгари ўтган мужтаҳидлар ва буюк ҳуқуқшунос олимлар асарларига мурожаат қилиш орқали мазҳаб доирасида янги топилган мураккаб ҳуқуқий муаммоларнинг ечиш йўлларини топувчилар) даврида яшагани учун тўғридан-тўғри эркин ижтиҳод қилиш ваколатига эга эмас эди. Чунки IV ҳижрий аср бошларида (милодий X асрда) ҳеч ким ислом ҳуқуқи бўйича мустақил ижтиҳод қилиш ваколатига эга эмас, деган фикр бор эди. Ҳуқуқшунослик бўйича барча фаолият, буюк олимлар томонидан белгилаб берилган асосий қонун-қоидаларни изоҳлаш, тафсир этиш соҳасида бўлиши керак, деган назар мавжуд эди.¹⁰ Лекин Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий ўзининг машҳур асари «Ал-Фавоид ал-баҳия»да ҳанафий мазҳаби олимларини олти гуруҳга бўлиб, Бурҳониддин Марғиноний ва ал-Қудурийни «асҳабут-таржийх», яъни баъзи ривоятларни баъзиларига таржийх бериш (устун қўйиш) салоҳиятига эга олимлар қаторда зикр этган.

Мазкур шароитда Бурҳониддин Марғиноний олдида турли муаллифлар томонидан ёзилган кўп фатоволар (ҳуқуқий мажмуалар) бор эди. Уларда минглаб масалалар, айрим муайян муаммолар бўйича ўнлаб мулоҳазалар, ҳатто бир-бирига қарама-қарши назариялар мавжуд эди. Муаллиф назарда тутган ҳуқуқий масалани ёритиш учун, биринчидан, шариатнинг асосий манбалари, ундан кейин Абу Ҳанифа, Имом Молик, имом Шофиъий, имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг асарлари, аш-Шайбонийнинг «Зоҳирур-ривоя» китоби, Абу Юсуфнинг «Китобул-хирож», «Адабул-қозий», «Абу Ҳанифа ва Ибн Абилайло орасидаги ихтилофлар», «Авзоъий ва Анас ибн Моликнинг айрим ҳуқуқий масалалар бўйича билдирган фикрларига ёзилган раддия» китоблари, имом Зуфар, Шайхулислов Ибн Таймия, Ибнул-Жавзия асарлари, шунингдек, ислом ҳуқуқи турли соҳаларига, оид сон-саноксиз китоб ва тўпламларни ўқиб чиқиб, уларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни бир-бири билан солиштириб, асосли хулосалар чиқариш керак эди. Унинг ўзи «Ҳидоя» муқаддимасида бу ҳақда: «... сўнгра Тангри тавфиқи ёрдамида, танланган

¹⁰ Мажид Хаддурый, Херберт Лебисни. «Исломда шу=у=», Тешрон-Нью Йорк, 1958.

ривоятлар билан кучли ақлий далилларни уйғунлаштириб, ҳар бир бобда ортиқча сўзларни тарк этиб, кўп ёзишдан ўзимни тийган ҳолда, «ал-Ҳидоя» деб аталган бошқа бир шарҳни ёзишга киришдим», деб таъкидлаб ўтган.

Албатта, энг ҳаётий ва зарур ривоятларни танлаб олиб, уларнинг тўғрилигини нақлий далиллар билан исботлаб, ақлий далиллар билан мустаҳкамлаш, мумтоз асарларнинг матн ва мазмунига чуқур кириб бориб, уларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш катта меҳнат ва изчил ишлашни талаб қиларди.

«Ҳидоя» муаллифи ниҳоятда муҳим ва мунозарали масалаларни ёритмоқчи бўлганда саҳобалар, мазҳаблар асосчилари, буюк фақиҳлар исмлари, жўғрофий ва тарихий жойлар, турли тоифа ва қабила номларини зикр этади. Абдулҳай Лакнавий ўз муқаддимасида, «Ҳидоя»нинг биринчи қисмида зикр этилган саҳобалар ва тобиин исмлари 50 дан кўпроқ, тоифа ва уруғлар номлари 12 та, жўғрофий ва тарихий жойлар номи 55 та эканлигини кўрсатиб, уларнинг ҳар бири ҳақида қисқача маълумот бериб ўтган. У, Марғиноний асарида келган 90 дан ортиқ буюк фақиҳлар, имомлар, мужтаҳидлар, жумладан машҳур саҳобалар ва муҳаддислар исмлари ва уларга тегишли бўлган маълумотларни зикр этади. Шунга асосан, «Ҳидоя» муаллифининг иши қанчалик оғир ва кенг қамровли эканлигини тушуниш қийин эмас.

Бурҳониддин Марғиноний «Ҳидоя» китобини ёзишда ўзига хос услуб яратди. Унинг ҳар бир ибораси қисқа ва мухтасар, фикҳий ҳукмларни ифодаловчи жумлалар умумий қоида шаклида берилган. Унинг иборалари қисқа ва сермазмун, сўзлари сунъийликдан узоқ. У зарурат сезмаса, синоним (мутародиф) сўзлардан фойдаланмайди. Ҳашв ва завоидни (керак бўлмаган ортиқча сўзларни) ишлатмайди. Унинг ёзиш услуби «Саҳли мумтаниъ» (осон, содда, лекин унингдек қилиб ёзиш мумкин эмас).

Таъкидлаганимиздек, муаллиф, асарни ёзишда ўзига хос бўлган қисқа сўзлар, истилоҳлар (атамалар) ва ихчам иборалардан кенг фойдаланади. Ушбу иборалар «Ҳидоя» устидан ёзилган шарҳлар ва ҳошиялар муаллифлари

томонидан белгилаб берилган. Мазкур манбаларга асосланиб, Ҳожи Халифа (Котиб Чалабий), Шайх Абдулҳақ Дехлавий ва Абдулҳай Лакнавий ўз асарларида уларни изоҳлаб ўтганлар. Улардан айримлари қуйидагилардан иборат:

«Фи диёрино» («Бизнинг диёримизда») деганда, у Мовароуннаҳр шаҳарларини назарда тутди.

«Қола Машоихуно» («Бизнинг шайхларимиз, яъни устозларимиз, дебдурлар») деганда, у Мовароуннаҳр (Бухоро, Самарқанд) олимларини назарда тутди.

«Фикҳ» сўзи билан эса, ақлий далилни ифодалайди. Масалан, «Вал фикҳу фийҳи», яъни ушбу масала ҳақида ақлий далил қуйидагидек...

Абу Суъуднинг ёзишича, «Ҳидоя» муаллифи ўз фикрини билдирмоқчи бўлганда «Қола ал-Абдуззаиф афо анҳу» (Бу ожиз банда-Худо уни кечирсин-бундай дейди) иборасини ишлатган. Лекин унинг вафотидан кейин айрим шогирдлари ушбу жумлани «Қола розияллоху анҳу» (Худо ундан рози бўлсин, бундай дейдилар) ибораси билан алмаштирганлар.

Муаллиф ўзини худбинликдан сақлаш мақсадида «Мен» сўзини ўз фикрини билдиришда ишлатмаган.

Унинг одатларидан бири шундаки, ўзига маъқул мазҳаб далилини асар охирида келтиради. Қозизода Румий лақаби билан машҳур Зайниддин Шайх Муҳаммад Афанди «Натоижул Афкор» китобида ёзишича, муаллиф турли мавзулар учун далил келтириш жараёнида энг кучли далилни энг охирида келтиради. Бундан унинг мақсади охириги сўзни илгари зикр этилган матлаблар учун далил сифатида қўллаш.

Муаллиф илгари зикр этилган оятга «Бимо Талавна» (Тиловат қилганимизга биноан), ҳадисга «Бимо Роваино» (Ривоят қилганимизга биноан) ва илгари келтирилган ақлий, мантиқий далилга «Бимо Закарно» (Зикр этганимизга биноан), деган иборалари билан ишора қилади. Шунингдек, у «Насс», яъни оят ё ҳадис матнида келган иллат ёки сабабни текшириладиган масалани исботлаш учун мантиқий далил қилиб ишлатади.

У кўпинча ақлий далилни, нақлий далил (оят, ҳадис)дан кейин келтиради. Туғилиши мумкин бўлган савол ё эътирозга эса, «Фаин қийла казо қулна казо» (агар бундай дейилса-бундай деб жавоб берамиз) ибораси билан жавоб қайтаради. У кўпинча, Абу Ҳанифанинг буюк шогирдлари Абу Юсуф ва аш-Шайбонийнинг назарини, сўнгра далилини келтиради, ундан кейин Абу Ҳанифанинг назарини зикр этиб, унинг далилини шундай изоҳлаб ўтадики, бу ҳар иккаласи учун жавоб бўлади. Муаллифнинг ёзиш услуби, у ишлатган ўзига хос ибора ва атамаларни ўзлаштириб олиш, асарни ўқиб, ундан фойдаланишга катта ёрдам беради.

«Ҳидоя» китобининг яна бир хусусияти шундан иборатки, унда «Илмул-хулоф» орқали белгилаб берилган қоидалар кенг кўламда назарда тутилади. Чунки Бурҳониддин Марғиноний ушбу фан соҳасида ҳам етук олим ва мутахассис ҳисобланган.

«Илмул-Хилоф» фанига биринчи бўлиб асос солган аллома Убайдулло ад-Добусий эди. Бурҳониддин Марғиноний «Ҳидоя»да ҳуқуқий муаммоларни ечиш жараёнида фақат учта асосий мазҳаб (ҳанафий, моликий, шофий мазҳаблари)гагина эмас, балки зоҳирий ва Авзоъий мазҳабларига доир фикру мулоҳазаларни ҳам ўрни келганда текшириб ўтади, ҳар бири ҳақида ўз нуқтаи назарини билдиради. Ушбу нуқтаи назардан «Ҳидоя» «Илмул Хилоф»ни кенг кўламда ўрганиш учун ҳам муҳим ва эътиборли манба ҳисобланади. Айни вақтда уни сўнгги даврда янги фан сифатида юзага келган «қиёсий ҳуқуқ»нинг ўзига хос шакли, деб эътироф этиш мумкин.

Ханбалий мазҳабига тегишли масалани «Ҳидоя» ва бошқа йирик фақиҳлар ёзган асарларга киритилмаганлигининг сабаби шундаки, аҳли сунна фақиҳлари, ҳатто XII асргача, ханбалийларни фақиҳлар сифатида эмас, балки муҳаддислар сифатида тан олиб келганлар.

Аллома фикҳий нуқтаи назардан, ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш жараёнида, уларнинг машрўъ (қонуний) ёки номашрўъ (ғайриқонуний) эканлигини нақлий далиллардан кейин, ақлий далиллар билан ёритиб ўтади. Ушбу нуқтаи назардан «Ҳидоя»ни ислом ҳуқуқи фалсафаси ва кейинги

даврларда кенг ривожланган «хуқуқ фалсафаси» фанининг манбаларидан бири, деб қабул қилсак, тўғри хулоса чиқарган бўламиз.

Шундай қилиб, Бурҳониддин Марғиноний ёзган тўрт жилдлик «ал-Ҳидоя» китоби суннийлик йўналишида ханафий мазҳаби бўйича муҳим ва мукаммал ҳуқуқий кодекс сифатида 55 дан ортиқ китоб, юзлаб бобу фаслдан таркиб топган бўлиб, мерос ҳуқуқидан ташқари, ислом ҳуқуқининг барча соҳаларини қамраб олади.

Бурҳониддин Марғиноний мерос ҳуқуқини ўз китобига киритмаганининг сабаби шундаки, Имом Аъзам Абу Ҳанифа мерос муаммоларини махсус фан сифатида фикҳ илмидан ажратиб, уни «ал-Фароиз» деб атаган.

«Ҳидоя»нинг биринчи жилди таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га, иккинчи жилди оила ҳуқуқи, қул сақлаш муаммолари, ҳудуд жазolari (Аллоҳ томонидан белгиланган жазолар), халқаро ҳуқуқ меъёрлари, ширкатчилик, ислом ҳуқуқига хос бўлган вақф ҳуқуқи каби масалаларга, учинчи жилди муомалот турлари (фуқаролик ҳуқуқи) суд, суд жараёни, тўртинчи жилди эса экинчилик ва ер муаммолари, жиноят турлари, гувоҳлик ва бошқа кўплаб мавзуларга бағишланган.

Бурҳониддин Марғинонийнинг шоҳ асари «ал-Ҳидоя» энг мўътабар ҳуқуқий қўлланма сифатида 9 асрдан буён бутун ислом дунёси, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари, Ҳинд ярим ороли, Туркия ва кўплаб араб мамлакатлари учун энг дақиқ ва ишонарли манба вазифасини ўтаб келмоқда.

«Ҳидоя» Миср Араб республикасидаги энг қадимий дорулфунун «ал-Азҳар», Афғонистон Ислom дорулфунуни, Ҳиндистон Алигарх университети, «Девбанд» дорул-улуми ва бошқа ислом мамлакатлари олий ўқув юртларининг таълимий нисоблари (ўқув дастурлари)га киритилган. Бу улуғ китоб қонун тузиш тизимини ривожлантириш учун асосий манбалар бўлиб, қўлланилмоқда. Афғонистон ва Ҳинд ярим оролида «ал-Ҳидоя»ни Канз ва ал-Қудурий китобларидан кейин етук устоздан ўқиб ўрганмаган толиб ҳақиқий фикҳ олими ҳисобланмайди.

«Ҳидоя»нинг таржима ва шарҳлари

«Ҳидоя» Шарқий Ҳиндистон ширкати тасарруфидаги Бенгалия вилояти маҳкамалари учун 1776 милодий йилда ғулом Яҳёхон томонидан форс тилига таржима қилиниб, 1807 милодий йилда Калькуттада чоп этилган. Таажжубли жойи шундаки, «Ҳидоя» биринчи марта араб ёки форс тилида эмас, балки Чарльс Хамелтон таржимаси асосида инглиз тилида 1791 мелодий йилда Лондонда нашр этилган. Ушбу тўрт жилдлик таржима жуда ноёб бўлгани учун 1870 йили С.Г. Гарий назорати остида бир жилдда қайта чоп этилган. Охирги марта инглизча таржимаси 1982 йил Лоҳурда босмадан чиққан.

«Ҳидоя»ни Н.И.Гродеков инглизчадан рус тилига ўгирган ва 1893 йилда Тошкентда нашр этилган.

Олмониялик доктор Экарт Шийвак маълумотларига кўра, «Ҳидоя»нинг машҳур нашрлари қуйидагилардан иборат: арабча асл матни 1818 йил Калькуттада, сўнгра Бомбей, Лакнов, Кавнпооре, Деҳлида чоп этилган. Қоҳирада XIX асрда ва 1888 йилда Қозон шаҳрида босилган. Унинг биринчи танқидий матни 1908 йилда Қоҳира шаҳрида ва энг янги танқидий матни ҳам 1980 йилда. Қоҳирада босмадан чиққан.

«Ҳидоя»нинг русча нусхалари камайиб, йўқолиш даражасига етган эди. Шу сабабли 1994 йили профессор Акмал Саидов томонидан «Ўзбекистон» нашриётида биринчи жилди нашр қилинди. Асарнинг бошқа жилдлари ҳам нашр ҳам қилинади.

«Ҳидоя» араб тилидан ўзбек тилига таниқли олим Салоҳиддин Муҳитдинов раҳбарлигида ёш олимлар томонидан таржима қилиниб унинг биринчи жилди профессор А.Саидов сўз бошиси билан 2000 йил «Адолат»

нашриётида босмадан чиқди. Унинг бошқа жилдлари ҳам нашрга тайёрланмоқда.

«Ҳидоя» фақат ислом ҳуқуқшунослари учун эмас, балки Ғарб ҳуқуқшунос олимлари учун ҳам эътиборли ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилмоқда. 1958 йили Мажид Хаддурий ва Ҳеберт Ж. Лебисни томонидан нашр этилган «Исломда ҳуқуқ» китобининг асосий қисмида «Ҳидоя»дан фойдаланилган. Муаллифлар фикрича: «Бурҳониддин Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя» китоби бошқа барча китобларга нисбатан ханафий мазҳаби ҳуқуқшунослигининг ривожланишини қисқача тарзда кўпроқ ва яхшироқ баён қилган. Ушбу китобни ўқиган киши билиши лозимки, муаллиф жуда кўп ўринларда ўз мустақил фикру ақидасини илгари суриш ва такомиллаштиришга уринган. Китобни ёзишдан унинг асосий мақсади шу бўлган»¹¹.

Доктор Забихулло Сафо «ал-Ҳидоя» китоби ханафий фақиҳлари орасида катта эътибор касб этиб, у ҳақда кўплаб шарҳлар ёзилган, деб таъкидлайди.

«Ҳидоя» ўз амалий ва назарий аҳамияти билан доимо буюк фақиҳлар ҳамда ислом шариати етук вакилларининг диққат марказида бўлган. Ҳар бир олим у ҳақда ўз фикрини билдиришган. Шулар жумласида, «Ҳидоя» муаллифининг ўғли Шайхул-ислом Имом Имомуддин отаси ҳақида шеър ёзган. Унинг мазмуни: «Ҳидоя» китоби уни ўзлаштирган кишини ҳидоят йўлига бошлаб, кўзи ожизларнинг кўзини очади. Эй, ақл эгаси, уни ўқиб ўзлаштиргин, уни ўзлаштирган киши энг олий ғояларга эришган бўлади»¹². Аллома ал-Ҳаддод эса унинг устидан ёзган хошиясида шундай деб ёзади. «Қуръон китоби қандай қилиб ўзидан илгариги динларни мансوخ (бекор) қилган бўлса, «Ҳидоя» китоби ҳам ўзидан илгари шариат бўйича ёзилган барча асарларни эътиборсиз қолдирди»¹³.

¹¹ Мажид Хаддурий, Ҳеберт Лебисни. «Исломда шу=у=», Тешрон-Нью Йорк, 1958. -105. Б.

¹² Мушаммад Абдулшай, Шидоя му=аддимаси сифатида ёзилган рисола, Лакну нашри, 1394 х.й. -3. Б.

¹³ Мушаммад Абдулшай, Шидоя му=аддимаси сифатида ёзилган рисола, Лакну нашри, 1394 х.й.

«Ҳидоя» асари устида тадқиқот ишлари олиб бориб, унга муқаддима ва хошиялар ёзган Абул-ҳасанот Муҳаммад Абдулхай Лакнавий унинг муаллифини қуйидаги иборалар билан танитади: «Имом ал-Марғиноний фақиҳ, Қуръон ҳофизи, муҳаддис, муфассир, барча илму фанни ўрганиб ўзлаштирган иқтидорли устод, ўткир назар билан текширувчи ва диққат билан иш юритувчи зоҳид, муттақий, маҳорат ва фазилатлар эгаси, усулий (усулул-фикҳ илмини чуқур билувчи), илму адабда мисли кўрилмаган адиб ва шоир, илмул-хилоф ва мазҳаб соҳалари бўйича юксак салоҳиятга эга зот эди».

Сўнгра асар ҳақида қуйидагича фикр билдиради: «Мен «Ҳидоя» китобини, унинг шарҳлари ва «Мухторотун-навозил»ни ўқиб чиқдим. Бурҳониддин Марғиноний ёзган асарлар, айниқса «ал-Ҳидоя» мақбул (қабул қилинган) ва ишонарлидир, негаки, бугунга қадар ҳам барча фозил кишилар ва ҳуқуқшунослар учун фойдаланиш манбаи бўлиб келмоқда»¹⁴.

Мазкур фикрлар ва кўплаб тадқиқотчилар билдирган ижобий баҳолар «Ҳидоя» асарининг илмий аҳамияти юксаклигидан далолат беради.

Шофиъий мазҳабининг баъзи намоёндалари «Ҳидоя» муаллифини баъзан эътиборга эга бўлмаган ҳадислардан фойдаланган, деб танқид қилганлар. Лекин тадқиқотчилар, жумладан, Муҳаммад Абдулхай Лакнавий, «бундай ёндашувларга, Марғинонийнинг юксак мақоми ва буюк олимлигидан хабарсизлик сабаб бўлган» деб таъкидлаган. Шайх Муҳйиддин Абдулқодир (вафоти 775 ҳ.й.), ибн Муҳаммад ал-Қураший ал-Мисрий, «Ҳидоя» китобида келтирилган ҳадисларни таҳрир қилиб (ҳадислар матни тўғри ёки ровийларининг ишонарли эканлигини исботлаб бериб), уни «ал-Иноя би-маърифати аҳодийсил-Ҳидоя» деб атаган. Шунингдек, шайх Алоуддин «ал-Кифоя фи маърифати аҳодийсил-Ҳидоя», шайх Жамолуддин Абдулло ибн Юсуф Зайлаъий «Насбурраъя ли аҳодийсил-ҳидоя» номли китобларида мазкур ҳадисларнинг саҳиҳлигини кўрсатиб

берганлар. Охирги асарни ибн Ҳажар Асқалоний қисқартириб «ад-дироя фи мунтахаби аҳодисил-Ҳидоя» деб атаган¹⁵.

«Ҳидоя» китоби ҳам шакл, ҳам тузилиш, ҳам ички мазмуни жихатидан ханафий мактаби таълимотининг ёрқин намунаси бўлгани учун кейинги даврларда кўп фикхий асарлар унга ўхшатиб, унинг услубидан фойдаланиш асосида ёзилган.

Ҳиндистонлик тадқиқотчи олим Азиз Аҳмад «Ҳиндистонда ислом тафаккури тарихи» асарида таъкидлашча, ханафий фикҳи Ҳиндистон бўйлаб, ғиёсуддин Туғлуқ даврида, ҳадисларга асосланган ҳукмларга нисбатан устун тургани, ўлкани идора қилиш қонунлари, Қуръон ва Ҳиндистоннинг собиқ султонлари русумларига таянган ҳолда, бутунлай ханафий мазҳаби таъсири остида бўлиб, унинг ўғли ва ўринбосари Муҳаммад ибн Туғлуқ «Ҳидоя» китоби ҳақида тўла маълумотга эга эканлигини таъкидлаб ўтади.

Шунингдек, муаллиф берган маълумотларга кўра, ушбу даврда яратилган икки катта ҳуқуқий асар, яъни «Фикҳи Ферузшоҳий», Тоторхон ташвиқоти билан Олим ибн-Ало томонидан ёзилган катта ҳажмли «Фатовойи Тоторхония», Феруз Туғлуқ ҳокимияти даври (1351-1388 й.)да таълиф этилиб, уни ёзишда «Ҳидоя» услубидан фойдаланилган эди¹⁶. Муаллиф сўзига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, Ҳиндистонда ундан кейин ёзилган ҳуқуқий асарлар, жумладан «Фатовойи Иброҳимшоҳий» ва йирик ҳуқуқий манба ҳисобланмиш - Бобурийлар давлатининг ҳуқуқий кодекси «Фатовойи Оламгирий»да ҳам «Ҳидоя» таъсирини тўғридан-тўғри кўриш мумкин.

Ҳиндистон ва ундан ташқарида «ал-Фатово ал-Ҳиндия» номи билан шуҳрат қозонган «Фатовойи Оламгирий» Бобурийлар сулоласининг

¹⁴ Абдулшай Лакнавий. «Ал-Фавоид ал-башийя фи тарожим ал-ханафия». –Қозон.: Матбаатул хизона, 1903. 23. Б.

¹⁵ Мушаммад Абдулшай, Ҳидоя му=аддимаси сифатида ёзилган рисола, Лакну нашри, 1394 х.й. -3. Б.

¹⁶ Азиз Аҳмад, Ҳиндистонда ислом тафаккури тарихи. –Техрон.: -84. Б.

иктидорли императори Аврангзеб Оламгир буйруғига биноан, бир гуруҳ салоҳиятли фақиҳлар томонидан ёзилиб, тугатилган. 4 жилдлик, 3500 бетлик хажмга эга ушбу кодекс Низомуддин Бурхонпўрий (Шайх Низом) раҳбарлигида 24 кишидан иборат олимлар гуруҳи томонидан тайёрланиб, суд ишларини бажариш ва давлатни бошқариш учун асосий қонун вазифасини бажарган. “Фатовойи Оламгирий” урду тилига таржима қилиниб, 1889 йили Лакнахуда нашр этилган. Шунингдек, бу муҳим фатово 2000 йил Бейрутда Дорул-кутубил-илмия томонидан «ал-Фатово ал-Ҳиндия» номи билан 6 жилдда нашр этилди. Ушбу кодекс кўлёмаларидан Абурайхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар Фондида бир неча нусха мавжуд.

Кўриниб турибдики, «Ҳидоя» китоби ислом ҳуқуқшунослиги бўйича барча соҳаларда ўз таъсирини ўтказиб келган, фақиҳларнинг кўпчилиги, уларнинг мазҳабларидан қатъи назар, унга катта эътибор билан қараганлар. Шу сабабли унга жуда кўп шарҳлар ёзилиб, баъзан эса қисқартирилиб, қисқартмаси устидан ҳам кўп шарҳлар ёзилган. Биринчи бўлиб «Ҳидоя»ни ўз невараси - бухоролик Иккинчи Садруш-шариа Убайдулло ибн Масъуд учун қисқартирган Тожуш-шариа Маҳмуд ибн Садруш-шариа Биринчи ўз қисқартмасини «Виқоятур-ривоя фи масоил-Ҳидоя» деб атаб, унинг муқаддимасида «Ҳидоя» ҳақида қуйидагича фикр билдирган: «ал-Ҳидоя» фахрланишга арзигулик бир нафис ва олий асар, тўлқинланувчи бир уммон, юксак ўринли, қимматли, ўз аниқ далиллари ва бурхонлари билан катта аҳамиятга эга, чексиз яхши томонлари ва порлоқ жумлалари билан ҳаммага файзу барака манбаи бўлиб келган китобдир»¹⁷.

Агар биз «Ҳидоя»нинг қисқартмаси «ал-Вақоя» ва унинг қисқартмаси бўлмиш «Мухтасарул-виқоя» устидан ёзилган кўплаб сонли шарҳларни ҳам назарда тутсак, унда “Ҳидоя” ва унинг қисқартирилган матнлари устидан ёзилган шарҳлар сони 50 дан ошади. Аммо атамалар, номлар, жойлар, айрим

¹⁷ Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райшон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида Р. 9445 рақам остида сақланаётган “Виқоятурривоя...” кўлёмаси (нусхаси, 1-бет).

эътирозлар ва саволларга аниқлик киритиш ва жавоб бериш мақсадида ёзилган хошиялар, таълиқлар, матн иборалари остида берилган изоҳлар ҳақида ҳам сўз юритмоқчи бўлсак, алоҳида тадқиқот олиб бориш зарур бўлади.

Қуръони Каримдан кейин ислом ҳуқуқининг асосий манбаларидан бири бўлмиш сунна соҳасида тўпланган Имом Бухорийнинг «ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» китоби устидан Броккелман «Араб адабиёти тарихи»да ёзишича, 43 шарҳ ёзилган. Аҳлвард ёзишича, фақатгина Берлиндаги қўлёзмалар рўйхатида унинг 60 та шарҳи мавжуд. Шунга биноан айтиш мумкинки, ал-Бухорий асаридан кейин, «ал-Ҳидоя» энг кўп шарҳга эга асардир. Бу «Ҳидоя»нинг қанчалик буюклиги илмий-амалий ва ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини инкор этиб бўлмайдиган далилдир.

Энди Бурҳониддин Марғинонийнинг шогирдларидан бири Бурҳонул-ислом аз-Зарнужийнинг «Таълимул-муталлим» китобида ривоят қилган бир китъа шеър ва бир қисқа сўз таржимаси билан танишамиз:

Буюк имом, устоз, “ал-Ҳидоя” муаллифи менга куйидаги шеърларини ўқиган эдилар:

Обрў ва эътиборсиз олимдан, катта фасод келиб чиқади.

Ундан ҳам каттароқ фасод манбаи, обидлик ва зоҳидлик даъвосини қилган кишидур.

Ўз динлари бўйича уларга эришган дунё аҳлига, улар буюк фитналарга сабаб бўлғусидурлар.

Шунингдек, устоз менга бундай дегандилар:

Ҳеч қачон, илм ўрганиш ишида, узилиш юз бермаслиги керак, негаки, бу катта йўқотишга олиб боради. Мен илм ўрганиш жараёнида, ҳеч қачон узилишга ўрин қўймаганим сабабли, барча ўз сафдошларимдан ўзиб ўтдим.

Буюк аллома умрининг охирларида Самарқандда яшаб, ижод этди, 593 хижрий (1196-97 милодий) йили вафот этди. Шомий «Раддул-мухтор»да ёзишича, улуғ фақиҳ Самарқанддаги 400 га яқин “Муҳаммад” отли фақиҳлар

дафн этилган “Муҳаммадий”лар қабристони «Турбатул-Муҳаммадийийн» ёнида дафн этилган экан. Ушбу жой бугунги “Чокардеза” қабристони бўлиши мумкин.

Бир қанча тадқиқотчилар ал-Марғинович Самарқандда вафот этганини айтишган бўлса, лекин турк олими Шамсуддин Сомий «Қомусул-аълум»да бу ҳақда қуйидагича маълумот берган: «Чингиз хуруж қилган чоғларда у (Марғинович) Бухорода дарс ўтиш билан шуғулланаркан. Бухоро аҳолиси фақиҳни ушбу жаҳонгир билан сулҳ шартномасини тузиш учун ўз томонларидан вакил қилиб юборади. Лекин шартнома айрим кишилар томонидан бузилгани сабабли Чингиз шаҳарга ўт қўйиб, аҳолини қатл этиши жараёнида «Ҳидоя» муаллифи ҳам ҳаётдан кўз юмган экан».¹⁸ Биз бундай маълумотни бошқа бирон-бир манбада учратганимиз йўқ.

Бурҳониддин Марғинович авлодлари

Бурҳониддин Марғинович ёққан илму фазилат машъали унинг авлодлари томонидан доимо нур таратиб турган. Улар илму фазл дарғалари бўлиб яшаганлар. Улар қорахонийлар давридан тортиб темурийлар, бобурийлар, шайбонийлар даврларигача юксак иззат-эътиборга эга бўлганлар. Турли манбаларда қуйидаги олимлар унинг авлодлари, айти пайтда унинг шогирдлари сифатида танишган:

- 1) Шайхул-ислом Имомуддин ал-Фарғоний. У фикҳ илмини отаси Марғинович ва қози Заҳируддин Бухорийдан ўрганиб, бошқа икки укаси каби халқ орасида катта ҳурмат-ишончга лойиқ бўлиб фатво бериш ваколатига эга бўлган. «Адабул Қозий» номли асар унинг қаламига мансуб бўлиб, шеърӣ истеъдоддан баҳраманд бўлган.
- 2) Шайхул-ислом Умар Низомуддин ибн Бурҳонуддин ал-Фарғоний. «Ислом энциклопедияси» ва «Кашфуз-зунун»да кўрсатилишича, «Ал-Фавоид» ва «Жавоҳирул-фикҳ» номли китоблар унинг

каламига мансуб. Иккинчи китобнинг бир кўлёзма нусхаси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг нодир кўлёмалар фондида сақланмоқда. Муаллиф уни «Мухтасарут-Таҳовий», «Мухтасарул-Жассос», «Хизонатул-фикҳ» ва бошқа катор ҳанафий мазҳабининг муҳим манбаларидан тўплаб, «Ҳидоя» асари асосида тартибга солган.

- 3) Марғинонийнинг яна бир ўғли Муҳаммад Абул-Фатҳ Жалолуддин ал-Фарғоний. У ўз даврида Ҳанафий мазҳабининг раёсати унга тегишли эди. У фикҳ илмида отасидан таҳсил олиб, илмий мақоми ва фазилатлари билан машҳур бўлган.
- 4) Абул Фатҳ Зайнуддин Абдурраҳим ибн Имодуддин. “Ҳидоя2 муаллифининг невараси Самарқандда яшаб, «Фусулул-имодий» ёки «ал-Фусулул- имодия» номли муомалот, яъни фуқаролик ҳуқуқи бўйича 40 бобли асари билан машҳур.

Шунингдек, Лакнавий, машҳур олимлар Шамсул аймма Кардарий ва Жалолуддин Маҳмуд Аструшанийни Бурҳониддин Марғиноний авлодларидан деб қайд этилган.

Ибн Арабшоҳ Темур ҳақида ёзган китобида Соҳибқиронга яқин бўлган фақиҳлардан Марғиноний фарзандларидан бўлмиш Мавлоно Абдул Маликни тилга олади. У мударрислик вазифаси билан машғул бўлиб, айна ҳолда нард ва шахмат ўйинларини яхши билган, шеърлар ёзган.

Шунингдек унинг таъкидлашича Абдул Маликнинг ўғли Мавлоно Исомуддин 840 ҳижрий. йилда Самарқандда мазҳаб раёсати мақомида ўлтирган бўлиб, 814 йил ҳаж сафаридан қайтиш чоғида «Ҳожи Тархон» (Астрахан) шаҳрида Ибн Арабшоҳ билан учрашиб, араб тилида ёзган ўз шеърларидан унга ўқиб берган.

¹⁸ Шамсуддин Сомий. +омусул-аълум. Истамбул. II жилд, 1998. 130. Б.

**БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ
ТАДРИЖИЙ РИВОЖИ
(БУХОРОЛИК ФАҚИҲЛАР ИЖОДИДА)**

Бухоро шаҳри ўз олимлари, адиблари, қолаверса, маданияти билан дунёнинг энг буюк, машҳур шаҳарлари қаторидан ўрин эгаллаб келган.

Шу шаҳарда туғилиб, шуҳрат қозонган буюк муҳаддис Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, йирик табиб ва файласуф Абу Али ибн Сино, улуғ сўфий ва катта тариқат пешвоси Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа ўнлаб илму санъат арбоблари бу муддаонинг инкор этиб бўлмас гувоҳларидир.

Ҳадисларнинг олтига энг саҳиҳ тўпламлари (“Сихоҳи сита”)нинг биринчиси ва Қуръони Каримдан кейин энг мўътабар китоб ҳисобланган имом Бухорийнинг «Ал-Жомеъус-Саҳиҳ» асари асрлар оша ислом дунёсининг буюклигига қойил қолдирган. Шунингдек, ибн Сино ўз асарлари, билан ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф тариқатига киритган ҳаётий таълимотлари билан жаҳон миқёсида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб келмоқдалар.

Бухоролик ўнлаб атоқли фақиҳлар орасида Сардуш-шариа оиласи ўзларига хос мавқега эга бўлиб, Ислом ҳуқуқшунослигида мумтоз ўрин тутган ҳанафий мазҳабининг йирик намояндалари сифатида хизмат қилдилар, «Ҳидоя»га катта эътибор қаратдилар. Замонасининг машҳур фақиҳи Сардуш-шариа Аҳмад ибн Жамолуддин Убайдулло ал-Маҳбубий ал-Бухорий бўлиб, у XIII асрда яшаб, ижод этган ҳамда муҳим фикҳий асарлар, жумладан, «Ҳидоя» устидан ёзилган шарҳлардан бирининг муаллифи сифатида танилган. Унинг ўғли Тоҷуш-шариа лақаби билан шуҳрат қозонган

Маҳмуд ибн Сардуш-шариа ҳам ўз отаси сингари, ажойиб ҳуқуқшунос олим бўлиб, ханафийлар фикҳи соҳасини ўз илмий асарлари билан бойитди. Тожуш-шариа ўз невараси (Сардуш-шариа Ассоний иккинчи ёки кичик Сардуш-шариа)ни ислом ҳуқуқи бўйича яхши тарбиялаб, фикҳий масалаларни унга мукаммал ўргатиш мақсадида «Ҳидоя»нинг энг асосий масалаларини қисқартириб, бир китобда ижодий шаклда жамлаб, уни «Виқоятур-ривоя фи масоил-и-Ҳидоя» («Ҳидоя масалаларида ривоятларни сақлаш») деб атади. Асар «Ҳидоя»нинг энг яхши ва қулай қисқартмаси сифатида катта эътибор қозониб, асрлар давомида ўқилиб, шарҳланган, уни изоҳлаш учун ҳошиялар ёзилган.

Тожуш-шарианинг невараси кичик ёки иккинчи Сардуш-шариа лақаби билан машҳур бўлган Убайдулло ибн Масъуд бу оиланинг фаҳри ва ханафийлар фикҳининг порлоқ юлдузи ҳисобланади. У бобоси Тожуш-шариа тарбиясида камол топиб, шарқ ҳикмати (фалсафаси), калом илми ва табиатга оид фанларни ўзлаштириб, фикҳ илмида буюк аллома сифатида танилди, ханафий мазҳабининг атоқли ва сермахсул олимларидан бири бўлиб ижод қилди.

У аждодларидан қолган илмий асарларни жамлаб, нафис ёдгорликларни тўплаш билан шуғулланди ва бобоси ёзган «Виқоятур-ривоя»ни араб тилида шарҳлаб, уни «Шарҳул-виқоя» деб атади. Бу китоб энг мукаммал шарҳ ҳисобланади.

Шундан сўнг баъзи ўқувчиларнинг «Виқоятур-ривоя» китобини ўзлаштириш мураккаблигини сезиб, ундаги энг зарурий масалаларни танлаб, уни «Ан-Нуқоя» (“Қисқача баён”) ёки «Мухтасарул-виқоя» деб атади. Асарнинг муқаддимасида муаллиф шундай ёзади: «Бобом Маҳмуд ибн Сардуш-шариа менинг фикҳ илмини яхши ўрганишим учун «Виқоятур ривоя фи масоил-и-Ҳидоя» китобини тузди. Бу китобдек сўзлари мўъжаз, мазмуни аниқ ва тўла иккинчи бир китобни замон кўзи кўрган эмас. Мен баъзи бир толиблар ҳиммати бу китобни ўрганиб ўзлаштиришга қодир эмаслигини сезиб, зарурий масалаларни танлаб олиб, ушбу «Мухтасар» (қисқартирилган

китоб)ни чиқардим. Ҳар ким Ҳидоя»да келтирилган масалаларни ўрганиб, ўз хотирасида сақламоқчи бўлса, «Викоя» китобини (бобом таълиф этган китобни) ўрганиб олишга урингай. Шошилиб турган, вақти оз бўлган киши мен таълиф этган бу «Мухтасар» («Мухтасарул-Викоя»)ни ўрганишга таважжуҳ қилгай». Шунингдек, Садруш-шариа иккинчи фикҳ асослари – усулул фикҳ бўйича «Аттанқийҳ» (“Сўзни покизалаш, бир хос мавзуга тааллуқли ҳукмни умумийлаштириш”) номли асар ёзди, сўнгра уни чиройли шаклда шарҳлаб «Аттавзийҳ» деб атади.

Унинг «Ал-муқаддимотул-арбаъа» (“Тўртта муқаддима”), «Таъдийлул-улум ваш-шурут...» номли асарлари ҳам катта эътибор ва шуҳрат касб этиб келган. Заркалий (Зиракли) берган маълумотга кўра, «Маоний» (“Адабиётга оид фанлар”) соҳасида «Ал-Вишоҳ» (“Бўйинга тақиладиган безак”) номли китоб ҳам унинг қаламига мансубдир.

Садруш-шариа ҳамда унинг барча аждодлари илму фан арбоблари сифатида кўп ҳурмат ва иззат билан яшаганлар. Ҳиндистонлик машҳур олим Абдулҳай Лакнавийнинг ёзишича, Саййид Аҳмад-ат-Таҳовийнинг шогирди ал-Мавло Абдулмўмин-Аддимётий «Таолийқул-анвор ало дуррил-мухтор» («Дуррул-мухтор китобига ёрқин ҳошиялар») номли асарида, унинг насабини Пайғамбарнинг машҳур саҳобаларидан бири бўлмиш Ибода ибн ас-Сомитга боғлайди. У, шундай ёзади: «Устозимиз Саййид Муртазо Ҳусайн силсиласида кўрдимки, Сардуш-шарианинг насабини қуйидагидек зикр этган: Убайдулло ибн Масъуд ибн Тожуш-шариа Маҳмуд ибн буюк Садруш-шариа Аҳмад ибн Жамолуддин Абдулмакорим Убайдулло ибн Иброҳим ибн Аҳмад ибн Абдулмалик ибн Умар ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳбуб ибн ал-Валид ибн Убодат ибн ас-Сомит ал-Ансорий ал-Маҳбубий. Шунингдек, устозимиз унинг насабини Бухоро тарихида кўрганман дедилар».

Садруш-шариалар ва уларнинг оила аъзолари фикҳ илмини ўз замоналарининг энг буюк олимларидан олганлар. Уларнинг фикҳ илмини

ўрганиш силсиласи бухоролик атоқли фақиҳ Абу Абдулло ибн Абихафс Кабийрга етиб боради.

Абдулхай Лакнавий «Мухтасарул-виқоя» муаллифи Садруш-шариа иккинчини «Барча томонидан қабул қилинган имом, шариат қонунларининг соқчиси, аслий ва фаръий (жузъий) муаммолар устоди ва қисқартирувчиси, ақлий ва нақлий (шаръий) фанлар олими, фақиҳ (ҳуқуқшунос), фикҳ усуллари (асослари)нинг билимдони, мантиқий, муҳаддис (ҳадисшунос) муфассир, тилшунос, адиб, мутакаллим, буюк кадр манзилат ва юксак мақом эгаси, илму адаб билан тўлиб тошган, мажду азаматни ота-боболаридан мерос қилиб олган зот эди», деб танитади.

Садруш-шариа иккинчи 1346 милодий йилда ҳаётдан кўз юмди. Унинг қабри ота-боболарининг абадий маконлари - Бухоронинг Шаръобод деган жойида.

Садруш-шариа Ўрта Осиёда фикҳ илмининг яловдори ҳисобланади. Унинг «Мухтасарул-виқоя» асари кўп асрлар давомида ислом ҳуқуқини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди, ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу китоб Ҳанафий мазҳабида ал-Марғиноний яратган ҳуқуқшунослик йўналишининг муҳим манбаи бўлмиш «Ҳидоя» асаридаги таълимотни кенг кўламда талқин этишда ва бу йўналишнинг ривожини йўлида улкан ҳисса қўшиб келди.

Китобнинг шуҳрат ва эътиборига асосий сабаб шу бўлса керакки, «Ҳидоя» ва унинг қисқартмаси «Ал-Виқоя»даги жуда кўп масалалар ичида энг асосий ва энг ҳаётийларини танлаб олиб, мўжаз шаклда ўз китобига киритган, уларни жуда содда ва тушунарли ифодалашга муваффақ бўлган.

Ҳисоблаб кўрганда, ҳажм нуқтаи назаридан «Мухтасарул-Виқоя» «Ҳидоя»нинг ўн бирдан бир (11:1) қисмига тўғри келади. Лекин ҳажмига қарамадан, уни диққат билан ўқиган киши, ислом ҳуқуқининг асосий масалаларини теран ўзлаштириб олади. Шу сабабли машҳур ҳуқуқшунос олимлар томонидан араб, турк, форс тилларида унга бағишлаб кўплаб шарҳ

ва хошиялар ёзилган, у узок муддат давомида исломий дорулфунунлар дастурларига киритилган.

«Кашфуз-зунун» муаллифи Ҳожи Халифа «Мухтасарул-виқоя»нинг араб тилида шарҳловчиларидан қуйидагиларни зикр этади:

1. Аҳмад ибн Муҳаммад аш-Шаманий.
2. Ибн ал-Айний ал-Ҳанафий.
3. Абдулвоҳид ибн Муҳаммад.
4. Алоуддин Али ибн Муҳаммад.
5. Ибн Қутлубғо ал-Ҳанафий.
6. Маҳмуд ибн Илёс-ар-Румий.
7. Шамсуддин Муҳаммад ал-Қўҳистоний.
8. Али-Алқорий.
9. Абул-Макорим ибн Абдилло ибн Муҳаммад.
10. Нуриддин Абдуррахмон ибн Аҳмад ал-Жомий.

Ушбу китоб турк ҳуқуқшунос олимлари томонидан ҳам қизиқиш билан кутиб олинган. Масалан, XV асрда Шамсуддин Аҳмад ибн Ҳамза турк тилида бу китобга бағишлаб ажойиб хошия ёзган ва Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кирмоний матнини турк тилига назм қилган. Шунингдек, қози Юсуф ибн Давлат ўғли мазкур хошияни туркчада назм этган.

Самарқандлик олим Жалолуддин Маҳмуд ибн Аби Бакр Самарқандий Гўрмирий бу асарни форс тилига таржима ва шарҳ қилиб, унда Мавлоно Фахруддин Илёс ёзган шарҳдан фойдаланган.

«Мухтасарул-виқоя» ўзбек тилида тошкентлик фикҳшунос олим Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа томонидан «Мажмаул-Мақсуд» номи билан шарҳу таржима қилиниб, XX асрнинг ўн еттинчи йилларигача «Мажмаул-Мақсуд» ё «Мухтасарул-виқояи туркий» номи билан икки марта икки жилдда (1100 бет) нашр этилган. Муаллиф уни мухлисларининг илтимос ва талабларини назарда тутиб, она тили (туркий тил – ўзбек тили)га шарҳу таржима қилган. У китоб муқаддимаси ва унинг нашри муносабати билан ёзган ўзбекча, арабча шеърларида бу ҳақда ҳар томонлама маълумот беради.

Максудхўжа ўз шарҳида 50 дан ортиқ фикҳий манбалардан фойдаланиб, муҳим ва керакли бўлган ҳуқуқий масалаларни ҳар томонлама очиб беради.

Фикримизча, бу асар Абу Ҳанифа мазҳаби бўйича ўзбек тилида ёзилган энг катта ҳуқуқий манбадир.

«Мухтасарул-виқоя»нинг арабча матни Муҳаммад Амин Муҳаммад Юсуф, Абдулбоқий Имомжон ва Абдулбосит Қамбар томонидан нашрга тайёрланиб, 1991 йили «Мовароуннаҳр» нашриётида Тошкентда нашр этилди.

Садруш-шариа иккинчи Убайдулло ибн Масъуд «Мухтасар»дан ташқари Абу Ҳанифа мазҳабининг асосларига таяниб, ҳам «усулул-фикҳ» (фикҳ илмининг асослари), ҳам «фуруъул-фикҳ» (фикҳ илмининг тармоқлари) соҳасида турли асарларга шарҳлар ёзгани учун ҳақда маълумот берган тадқиқотчилар «фақиҳун ҳанафийун» (ҳанафий фикҳининг олими ё ҳанафий мазҳабидаги ҳуқуқшунос олим) иборасини унинг исми билан қўшиб ёзганлар.

Шундай қилиб, буюк аллома Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг шох асари «Ҳидоя»нинг мазмунини ўз ичига олгани учун асрлар давомида «кичик Ҳидоя» сифатида қўлланиб келинган «Мухтасарул-виқоя» турли тилларда ёзилган шарҳ ва таржималари билан Абу Ҳанифа мазҳаби асосида юзага келган Мовароуннаҳр ҳуқуқшунослик таълимоти ривожига катта ҳисса қўшди. Шу билан бирга ҳанафийлар мазҳабининг йирик намояндаси бўлмиш Садруш-шариа иккинчи Убайдулла ибн Масъуд номини абадийлаштириш учун катта омил бўлиб хизмат қилди.

«МАЖМАУЛ-МАҚСУД» «МУХТАСАР»НИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАСИ ВА ШАРҲИ

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида қизиқиш тўққиз аср давомида ҳеч қачон тўхтамаган. У турли тилларга таржима қилиниб, унинг

матни устидан ўнлаб атоқли олимлар томонидан шарҳлар, ҳошиялар ва изоҳлар ёзилган, баъзан осонроқ ўрганиш мақсадида қисқартирилган. Ана шундай китоблардан бири XIII аср олими Тожуш-шариа лақаби билан шуҳрат қозонган Маҳмуд ибн Садруш-шариа биринчи ўз невараси Садруш-шариа иккинчи учун таълиф этган «Виқоятур-ривоя фи масаил-и-Ҳидоя» китоби эди. Бу китоб 4 жилдлик «Ҳидоя» китобининг энг муҳим масалаларини ўз ичига олади.

Унинг невараси бухоролик олим иккинчи Садруш-шариа Убайдулло ибн Маъсуд ибн Тожуш-шариаининг айтишича, бу китобдек сўзлари мўъжаз, мазмуни аниқ ва тўла иккинчи китобни замон аҳли кўрмаган. У аввал, шу китобга шарҳ ёзади, сўнгра баъзи ўқувчилар уни ўзлаштиришга қодир эмаслигини сезиб, энг зарурий масалаларни танлаб олиб, уни қисқартиради ва «Ан-Нуқоя» (“Танланган”) ё «Мухтасарул-Виқоя» деб атайдди.

«Мухтасарул-Виқоя» номи билан машҳур «Ан-Нуқоя» ихчамлиги, мўъжазлиги ва равонлиги билан кўп асрлардан буён «Кичик Ҳидоя» сифатида мусулмон мамлакатларида қўлланиб келинмоқда. Машҳур фақиҳлар унга араб, форс ва турк тилларида кўплаб шарҳлар ёзганлар.

Асрлар давомида «Ҳидоя»га қизиқиш қанчалик катта бўлган бўлса, унинг хулосасага қизиқиш ҳам шунчалик катта бўлган.

XV асрда Шамсуддин Аҳмад ибн Ҳамза бу китобга турк тилида ажойиб ҳошия ёзган ва Аҳмад ибн Аҳмад ал-Кармоний матнини турк тилида назм қилган. Шунингдек, қози Юсуф ибн Давлат ўғли мазкур ҳошияни туркча назм риштасига тизган.

«Мухтасарул-виқоя» форс тилига самарқандлик олим Жалолуддин Маҳмуд ибн Абу Бакр Самарқандий Гўрмирий томонидан таржима қилинган. Муаллиф муқаддиманинг охирида Абулғозий Убайдулло Баҳодирхонга сано ва сифатлар айтиб, илтимос билдирадики, «агар у киши илтифот юзасидан бу асрга бир назар солсалар, уларнинг кемёасар (кимё хосиятига эга) назарларидан олтинга айланиб, сайрафийлар (пул ва олтинни алмаштирувчи ва сараловчилар) бозорида эътибор топгувсидир».

Шарҳловчининг айтишича, у мавлоно Фахруддин Илёс ёзган шарҳдан қисқартириб фойдаланган.

«Шарҳи Гўрмирий» номи билан шуҳрат топган бу китоб 1864 йил Афғонистон ва Туркистон тожирлари (савдогарлари) хоҳишига кўра, Ҳиндистондаги Лакнаҳу¹⁹, кейинроқ Нулкишур босмахоналарида (614 бетда) настаълиқ ёзувида нашр этилган.

Ушбу шарҳ Истанбул шаҳрида қози Абдурраҳим Бухорий ўғли Қозизода Муҳаммад Шариф Маҳмуд ихтимоми билан бухоролик муфтий Муҳаммад Шариф ўғли Саид Оқил хаттотлигида нашр этилган.

«Мухтасарул-Викоя»нинг арабча матни форсча таржимаси билан 1901 йилда Тошкентдаги О.А. Порцов литография босмахонасида чоп этилган. Бу китоб домла Шамсий Охунд ибн Ниёз Муҳаммад томонидан Эшон Тиллоҳўжа илтимосига биноан, у билан бирга таржима қилинган.

Китобнинг энг муҳим шарҳларидан бири бўлмиш Али ал-Қорининг арабча шарҳи 1901 йил Олимжон ибн Муҳаммаджон ал-Борудий томонидан Қозон университети матбаасида нашр қилинган.

Мулло Абдуллатиф Мулло Холид ўғли ёзган «Китобун-нуқоя Мухтасарул-Викояга туркий шарҳ» 1873 йил мазкур матбаада икки жилд, 144 бетда нашр этилган. Шарҳловчи китоб муқаддимасида бундай деб ёзади; «Аллоҳ таолонинг ҳар қавмга, анинг лисони (тили) узра Пайғамбар кундирмак ҳукми ҳар тоифага ўзлари дилинжа шариат аҳкоми баён эдилмоқ иқтизо эдар. Шул сабабдан туркча шарҳ эторго саъй ва ижтиҳод қилдук».

Биз ушбу қимматли асарнинг катта шарҳларидан бири бўлмиш ўзбекча шарҳи «Мажмаул-Мақсуд» борасида сўз юритамиз.

«Мажмаул-Мақсуд» баъзи араб тилида ёзилган шарҳларга нисбатан каттароқ ҳажмга эга. Шарҳловчи икки ярим бетлик муқаддимада Худо ҳамди ва Пайғамбар наътидан кейин фикҳ илми ва унинг аҳамияти борасида сўз

¹⁹ Жалолоддин Маҳмуд ибн Абубакр Самарқандий. Гўрмирий. («Мухтасарул-Викоя»га форсча шарҳ) Лакнашу-Ҳиндистон, 1869. -54. Б.

юритиб, унинг бошқа илмларга нисбатан юксаклиги учун далиллар келтиради.

Муаллифнинг айтишича, асарнинг таълифига халқнинг истаги сабаб бўлган. Унга доимо кишилар мурожаат қилиб, шариат масалалари борасида саволлар берадилар. Савол берувчилар кўпинча туркий тиллилар бўлади. Улар араб ва форс тилларига ошно бўлмаганликлари ҳақида сўзлаб, олам китобдан тўлиб тошса-ю, лекин биз улардан баҳраманд бўла олмасак не фойда, деб фикрҳни она тилларида ўрганишга умид билдирадилар.

*Чоҳдаги сув, қирдаги дарёни минг тавсиф қил,
Бўлмасам сероб, найлай, бўлса минг дарёи Нил.
Ташнадурмиз жаҳл саҳросида, умр ўтди, дарийг,
Айлагил сероб олиб сув, гарчи андақдур ариг.*

Муаллиф уларнинг илтимоси чин кўнгилдан эканлигини назарда тутиб, бошқаларга манфаат етказиш ва билим ўргатишга чорловчи ҳадисларни зикр этади. Шунга биноан «Мухтасарул-Виқоя»ни араб тилидан туркий тилга (ўзбек тилига) шарҳлай бошлайди. «Ушбу «Мухтасарул-виқоя»ни туркий лафз бирла таржима қилдим, баъзи тегишли масалаларни бошқа китоблардан жамъ қилдим ва қайси китобдан олинганлигига ҳам ишорат қилдим, токи лафзи арабийни билмайдургонлар бу туркий шарҳига қараб, матни мухтасарга муқобил қилиб, маънини билиб ва ҳам лафзи арабийни ўрганғайлар, шоядки каминага ажри азим ҳосил бўлса», дейди муаллиф.

Муқаддимадан кейин мухтасарнинг арабча матни билан таржима ва шарҳи бошланади. Ўрни келганда шарҳловчи матн мазмунини ёритмоқ учун баъзи бир арабча сўзларни ҳар томонлама текшириб, баъзи грамматик қоидаларни ҳам изоҳлаб беради. У ҳар бир ҳуқуқий масалани шарҳлаш учун ўз фикру мулоҳазаларини билдиради, кўпинча мавзуларни кенгроқ ёритиш

ва яхшироқ тушунтириш учун турли фикҳий манбаларга мурожаат қилиб, атоқли олимларнинг хилма-хил қараш ва хулосаларни келтиради.

Муаллиф 50 га яқин фикҳий манбалар, машҳур фатоволарни кўриб чиқиб, ўз шарҳида энг муҳим ва мўътабар фикру мулоҳазалардан фойдаланади.

«Мухтасарул-Викоя» 50 та китоб ва «хилма-хил масалалар» фасли (охирги фасл)дан таркиб топиб, ҳар китоб бир неча фаслга бўлинади, шарҳнинг биринчи жузъи (жилди) ўн бир китобдан иборат бўлиб, ҳар китоб икки фаслдан 25 фаслгача бўлинади.

Ҳар бир китобнинг бошланишида муаллиф томонидан умумий масалалар баён этилиб, сўнгра ҳар фаслга тегишли масалалар ёритилади.

Биринчи жузънинг асосий қисми ислом динининг руқунлари бўлмиш ҳуқуқуллоҳ яъни тоат ва ибодатга бағишланган бўлиб, таҳорат, намоз, рўза, закот, шунингдек, никоҳ ва оила ҳуқуқига доир муҳим масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Иккинчи жузъ эса ҳуқуқий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, унга кирган 40 та китобда кишилар ва жамият амалий ҳаёти билан боғлиқ масалалар, масалан, сотиш, сотиб олиш, ижара, ғасб (бировнинг мулкини тортиб олиш), ваколат, музораъа (ерни экинчиликка бериш), суд ва суд жараёни, даъво, ширкат-тижорат, вақф, ичимликлар, шунингдек, жиноят ва муомалот ҳуқуқининг кўп қирралари ва бошқа муҳим масалалар ёритилган.

Китоб ва унинг шарҳи ислом ҳуқуқининг асосий тармоқлари ва унга боғлиқ жузъиётни аниқлаб берганлиги учун аҳамият касб этади. Китобда ёритилган фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи масалаларидан, қонунчилик соҳасида, ўзбек ҳуқуқшунослик фанини бойитиш ва ҳуқуқий атамаларни кенгайтиришда ҳар томонлама фойдаланиш мумкин.

Китоб матнини таржима қилиш ва муҳим масалаларни белгилаб шарҳлаш, муаллифнинг етук олимлиги ва фикҳ илмини мукамал билганидан далолат беради. Ўрни келганда у бирор-бир мавзу устида тўхталиб, эътиборли ҳуқуқий манбаларга таяниб, муфассал шарҳ-изоҳлар

беради. Масалан: эр билан хотин ҳуқуқий муносабатлари тўғрисида унинг изоҳлари беш бетдан ошади.

Муаллифни бундай катта ишни бажаришга, ўз халқи-ўзбек халқига бўлган меҳр-муҳаббати ва жонқуярлик туйғуси чорлайди. Бу туйғу у ёзган муқаддима ва айтган шеърларидан сезилиб туради. У муайян қаршилик ва тўсқинликларга қарамай фарзандлик бурчини бажаришга муваффақ бўлиб, она тилида минг бетдан ортиқроқ бўлган ҳуқуқий манбани вужудга келтирди.

Муаллиф ишлатган тил XX аср бошларидаги ўзбек тили бўлиб, унда форсча ва арабча сўзлар ва атамалар кўп ишлатилади. Муаллиф «нинг» ўрнида «ни» ишлатади. Албатта, бундай камчиликлар асарнинг қимматини камайтирмайди, ҳуқуқий манба сифатида фойдаланишга зарар етказмайди.

Агар «Мажмаул-мақсуд» ҳуқуқшунос олимлар томонидан танқидий матни нашрга тайёрланиб, ундаги фикҳий атамалар изоҳлари билан қайтадан чоп этилса, ёш ҳуқуқшунослар учун мўътабар қўлланма бўлиб, ислом ҳуқуқшунослигида Марғиноний асос солган ҳуқуқшунослик йўналиши негизи бўлган «Ҳидоя» ни ўрганиб олишда эътиборли манба бўлиб хизмат қиларди.

«Мухтасарул-виқоя» кўп машҳур ва ишончли ҳуқуқий манба бўлгани учун, унинг ўзбекча шарҳи ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди ва ниҳоят мароқ билан кутиб олинди. Чунончи, ўн бир йил давомида биринчи нашри тугаб, унга бўлган талаб ортди, муаллиф сарф-харажати билан иккинчи нашрга иқдом қилинди, энди мана шу нашрлар ҳақида қисқача маълумот берамиз.

«Мажмаул-мақсуд»нинг биринчи жузъи (жилди) биринчи марта 1901 йил Тошкентдаги В.И.Ильин босмахонасида мулла Юсуф Охунд ибн мулла Зокиржон томонидан настаълиқ хатида нашр этилди, унинг арабча матни хошияларда берилади, бетларнинг бичими 33x19 см.

Муаллиф биринчи жузъни ўн икки мисрали шеъри билан тугатади. Ундан қуйидаги икки байтни келтираамиз:

*Дури маъний садаф ичида эди,
Ошкор ўлди халқаро бирдан.
Ҳамма турк аҳли топтилар мақсуд,
Хирмани маънидан тегиб кафсан.*

Китобнинг иккинчи жузъининг нашри О.А.Порцов матбаасида нашр этилган. Мундарижадан сўнг Мақсудхўжанинг мўмин-мусулмонларни тўғрилиққа даъват 36 мисрали шеъри берилад:

*Ушбу шарҳимиза урубон чанг,
Нега обод бўлди деб бу фалот.
Рофизий ҳол ўлуб тагофул этиб,
Илм аҳлига зулм этиб бот-бот.
Кўрмай ул шарҳни тааммул этиб,
Ўқумой туркий бир неча калимот.
Айламай хуб мутолаа они,
Топмайин, дер мулни кўрунг, ҳайҳот!*

Бу манзумадан сўнг китобнинг бир бетида Абуллайс Самарқандийнинг «Бустонул-орифин» номли китобидан араб тилидаги қуйидаги сўзлар кўчирилади: Илмни яширмаслик керак, айниқса, Худо томонидан келган ҳидоятларни одамлардан яшириш, илм тарқалишига тўсқинлик қилиш, шариат ва худо амрига қаршилиқдир.

Муаллиф иккинчи жузъининг охирида муламмаъ (икки тилда ёзилган шеър) шаклида ўзбекча-тожикча ёзилган мухаммасни беради. Ҳар банднинг бешинчи мисраси бадий жихатдан кучли бўлмаса ҳам, асосан араб тилида берилди. Бу мухаммаснинг қисқача мазмуни қуйидагича: араб тилида «Мухтасарул-Викоя»ни ўқиш умумтурклар ва тожиклар учун оғир эди. Мен ушбу китобни турк тилига (ўзбек тилига) таржима қилдим, албатта, бу ҳам

турклар (ўзбеклар), ҳам тожикларга билимсизлик дардини даволаш учун дори каби хизмат қилади.

«Мажмаул-мақсуд»нинг биринчи жуъи иккинчи марта 1912 йили Мулло Абдулмавлло ибн Мулло Абдуррахмон ҳаракати билан Тошкент шаҳридаги О.А Порцов босмахонасида нашрдан чиқарилган.

Китобнинг бу наشري аввалгисига нисбатан яхши, чиройлироқ бўлиб, Абдуссалом исмли котиб қаламига мансубдир. Китобнинг арабча матни насх ёзувида, ҳарфлар иъробини (ҳаракати) билан берилиб, сатрлар тагига чизиқлар тортилади, унинг ўзбекча таржимаси ва шарҳи настаълқ ёзувида берилди. Биринчи жуъининг иккинчи наشري муаллифнинг ўзбекча шеъри билан тугайди.

«Мажмаул-мақсуд»нинг иккинчи жуъининг иккинчи наشري ҳақида маълумот йўқ.

Китоб биринчи ва иккинчи жуъларининг биринчи наشري ва иккинчи жуъининг иккинчи наشري Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда.

«Мажмаул-мақсуд» билан танишганимиздан сўнг китоб муаллифи, ҳуқуқшунос олим ва адиб Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа ким бўлган ўзи, деган савол туғилади.

Биз ҳозиргача муаллифнинг ким эканлиги борасида етарли маълумотга эга эмасмиз. Фақат унинг бошқа яна тўртта асарини ЎЗРФА Шарқшунослик институти кутубхонасидан топишга муваффақ бўлдик. Бу асарлар «Махзанул-Мақсуд», «Мажмаул-одоб», «Мухаммаси Мақсудий», «Мақсудул-мутааллим»дан иборат бўлиб, муаллиф «Мақсудул-мутааллим»да ўзини «тошкетлик» деб танитган.

Асарлар муаллифи Мансурхўжа ўғли Мақсудхўжа қалбини она-ватани Туркистон ва унинг халқига бўлган меҳру муҳаббат тўлқинлантириб туради, уни ўз халқини маънавий юксалтириш ва бойитишга чорлайди. Унинг асарлари катта эътибор қозониб, муштарийлар томонидан мароқ билан ўқилган, чунончи, арабча мухаммаси бошқа китоблар билан ҳам нашр

этилган²⁰. Мақсудхўжа ўз замонасининг ислом ҳуқуқи олими ва зиёлиси сифатида, қарамлик даврининг оғир шароитига қарамасдан, ўз миллатини илму маърифат сари чорлаб, улар учун қайғурган, бу йўлда дадил қадамлар қўйган.

Олийжаноб муаллифни таништириш ва у қолдирган бошқа асарларни топиб муаррифий қилиш, миллий кадриятларни тиклаш йўлида ўзбек олимлари учун фахрли бурч ҳисобланади.

«Мажмаул-Мақсуд»нинг биринчи жилди 1996 йил Махмуд Ҳасаний томонидан кирилл алифбосига ўгирилиб, «Адолат» нашриёти томонидан чоп этилди²¹.

ХУЛОСА

Асрлар давомида Ўрта Осиё Ҳанафийлар мазҳабининг тарқалиш ва ривожланиш соҳаларидан бирига айланиб, Мовароуннаҳр фақиҳлари ушбу мазҳабнинг салоҳиятли вакиллари ва ҳомийлари сифатида ўз илмий ижодлари билан унинг ривожи йўлида буюк хизматлар қилиб келганлар.

XIII-XIV асрларда юз берган урушлар ва тинчсизликлар оқибатида кўплаб фақиҳлар Мовароуннаҳрдан кетиб, Қоҳира, Ҳалаб, Дамашқ, Мавсил, Қуния, Басра, Қрим, Ҳожитархон каби шаҳарларда истиқомат қилдилар ва узок муддат ўз илмий фаолиятлари натижасида бу ерларда фикҳ илми ва Ҳанафий мазҳаби тараққиётига беқиёс ҳисса қўшдилар. Ҳатто бу ўлкадан Афғонистон ва Ҳинд ярим оролига бориб, дунёнинг буюк империяларидан бири бўлмиш Бобурийлар салтанатига асос солган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг сулоласи ҳам Ҳанафийликни ўз ҳимояси остига олиб, унинг таълимоти асосида нафақат «Фатовойи оламгирий» («Фатовойи Ҳиндия») каби катта ҳуқуқий кодексни яратишга муваффақ бўлганлар, балки Мирзо

²⁰ Қаранг: А.Ш.Жызжоний. Мар’иноний ва унинг издошлари. –Т., «Ислом университети» нашриёти, 2000. 40-53. Б.

Бобурнинг ўзи авлодларини ушбу мазҳаб руҳида тарбиялаш мақсадида Ҳанафий фикҳи асосида "ал-Мубаййин" номли манзум асар яратган²².

Биз, ўлкамиз дунёнинг мукаммал ҳуқуқий тизимларидан бири фикҳ-ислом ҳуқуқшунослиги ва унинг асосий мазҳабларидан бири Ҳанафий фикҳининг такомили ва ривожланиши маркази сифатида, ўз алломалари, сонсиз фақиҳларининг ижоди ва илмий фаолиятлари орқали ушбу жараёнга унитилмас хисса қўшиб келганидан фахрланамиз. Уларнинг бебаҳо илмий меросини ҳар томонлама ўрганиб, ижодий талқин этиш ва қонунчилик тизими ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантиришда улардан фойдаланишни тарихий бурчимиз деб биламиз.

Бурҳониддин Марғинович, Ислам ҳуқуқшунослиги тарихида чуқур из қолдирган, у XIII-асрдан буён дунё ҳуқуқшунослиги диққатини ўз ватани Риштон, Марғилон, Фарғона -Ўзбекистонга жалб этиб келган буюк аллома ва иқтидорли фақиҳдир.

Буюк алломанинг 900 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш ҳақида Ўзбекистон ҳукумати томонидан чиқарилган қарор, катта тарихий аҳамиятга эга эди ва олимнинг халқаро илмий доираларга қайтадан танитиш, у қолдирган илмий меросни чуқур ўрганиш учун кенг имконият яратиб берди.

2007 йилни халқаро ислом ташкилоти ISESCO томонидан Тошкент шаҳрига "Ислам маданияти маркази» фахрли унвони берилишига сабаб бўлган омиллар жумласида Бурҳониддин Марғинович ва унинг илмий мероси ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди.

²¹ "Мажмаул-ма=суд". –Т., Адолат, 1996.

²² Ушбу китоб Тошкент ислом университети нашриёти томонидан 2000 йил нашр этилди.

